



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
23-iyul
chorshanba
№ 29 (1456)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ hurriyatuz@mail.ru * t.me/hurriyatuz * Hurriyat gazetasi

ОБОДЛИК

ЖИЗЗАХНИНГ САНОАТ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА — ДАШТ ЖОЙЛАРДА ЗАМОНАВИЙ КОРХОНАЛАР ПАЙДО БЎЛЯПТИ

Президент Шавкат Мирзиёев 22 июль куни Жиззах вилоятига ташриф буюриб, sanoat va ijtimoий соҳада амалга оширилаётган ишлар, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа объектлар билан таниди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб “Зомин технопарки” махсус sanoat зонасини бориб кўрди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида иқтисодиёт учун гоат зарур бўлган корхоналар барпо этилмоқда. Бу янги иш ўринлари яратилиши, sanoat тармоқлари ривожланиши, пироваарида, халқимиз фаровонлиги ошишига хизмат қилапти. Жиззах вилоятида ҳам кейинги йилларда қайта ишлаш sanoati ҳажми сезиларли даражада ошди.

“Зомин технопарки” қурилишини ўтган йили 27 июнда давлатимиз раҳбари бошлаб берган эди. 400 гектарда барпо этилаётган технопаркда хитойлик инвесторлар билан биргаликда 1 миллиард 200 миллион долларлик 31 та лойиҳа амалга оширилди.

Ўтган даврда зарур инфратузилма ва иншоотлар барпо этилди. Яқинда илк корхона — “Xinjiang Honglin Tiandi” компанияси томонидан қиймати 10 миллион долларлик бетон маҳсулотлари тайёрлаш лойиҳаси ишга туширилди. 60 кишининг бандлиги таъминланди.

Айни кунларда 42 миллион долларлик иккинчи лойиҳа бўйича ишлар якуний bosқичда. Унда “Midea” бренди ostida йилга 300 миң донна машиший электр техникалари ишлаб чиқарилади. 150 та иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбарига шу ва навбатдаги лойиҳалар ҳақида ахборот берилди.



Биринчи bosқичда махсус sanoat зонасига 9 та лойиҳа жойлаштирилган. Бугунги кунда қарийб 300 миллион долларлик яна 7 та лойиҳа бўйича қурилиш ишлари давом этмоқда. Уларда қурилиш материаллари, конструкциялар, электр техникаси ва кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, логистика ва тренинг маркази ташкил этилади.

Умуман, sanoat зонасидаги барча лойиҳалар натижасида қарийб 5 триллион сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, 15 турдаги янги маҳсулот ўзлаштирилиб, 70 миллион долларлик экспорт салоҳияти яратилади. Энг муҳими, 5 миңдан ортиқ фуқаро ишли бўлади.

Президент инвесторларга кўмаклашиб, лойиҳаларни тезлаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Sanoat соҳаларига мос мутахассислар тайёрлаш, ёшлар

бандлигини таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари “Зомин технопарки”да режалаштирилган янги лойиҳалар тақдими билан таниди.

Юқорида қайд этилганидек, биринчи bosқичда 9 лойиҳа бўйича ишлар бошланган. Энди иккинчи bosқич доирасида яна 5 та лойиҳа шакллантирилган.

Жумладан, “Longze Investment Group” компанияси билан ҳамкорликда хавфсизлик ва тиббиёт техникалари, “Foxit” компанияси билан ноутбук, планшет, сервер, роутер каби замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, чарм ва спорт пойабзаллари, қурилиш материаллари, чинни идишлар, кимё маҳсулотлари бўйича лойиҳалар кўзда тутилган.

Уларнинг умумий қиймати 250 миллион доллар атрофида бўлиб, юқори қийматли товарлар ишлаб чиқарилади. Тайёр маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизи ташқи бозорга йўналтирилади.

Жиззах вилоятида хорижий инвестициялар миқдори йил сайин ўсиб бормоқда. 2018 йилда вилоятда бор-йўғи 18 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилган бўлса, ўтган йили бу рақам 1 миллиард доллардан ошган. Охиригги саккиз йилда вилоятга 3,7 миллиард доллар инвестиция киритилган, 4 миңдан зиёд sanoat корхоналари ишга тушган. Чет эл капитали иштирокидаги корхоналар сони 260 тадан ошган.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Зомин туманида қурилаётган машиший техника заводини кўздан кечирди.

Ушбу йўналиш бўйича юртимизда катта салоҳият мавжуд. Давлатимиз раҳбари бу суръатни давом эттириб, миллий брендлар ostida янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, Ўзбекистонни минтақавий “электротехника хаби”га айлантириш вазифасини қўйган. Зоминдаги завод бунинг бир қисми бўлади.

“Навоий” махсус sanoat паркиннинг филиали сифатида ташкил этилган жаммуа 80 гектар майдонда жойлашган. Лойиҳанинг умумий қиймати 150 миллион доллар. Бу ерда кир ювиш машинаси, совутич, телевизор, электр сув иситкич каби йилга 1 миллион донна машиший техника ҳамда бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилади. 100 турдаги маҳсулотлар натижасида маҳаллийлаштириш даражаси 70 фоизга етади.

2-6

ХАЛҚАРО АНЖУМАН



ДУНЁ ЖУРНАЛИСТЛАРИНИ БИРЛАШТИРГАН МЕДИАФОРУМ

2025 йил 14-20 июль кунлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида Умумхитой журналистлар ассоциацияси ҳамда Цзянси провинцияси бош ташкилотчилигида “Матбуотнинг кучи: цивилизациялараро мулоқот ва глобал модернизацияга журналистларнинг таъсири” мавзусида халқаро медиафорум ўтказилди. Унда АҚШ, Германия, Бразилия, Франция, Аргентина, Россия, Туркия каби дунёнинг олти мишга яқин давлатидан юз нафардан зиёд Журналистлар уюшмалари раҳбарлари (баъзи давлатларда уюшма эмас, бошқача номлар экан) ҳамда жаҳонга машҳур оммавий ахборот воситаларининг етакчи вакиллари иштирок этди.

Тақлифга мувофиқ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси билан Умумхитой журналистлар ассоциацияси ўртасида имзоланган ҳамкорлик келишувида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда мазкур медиафорумда қатнашди.

Ушбу йирк тадбир доирасида “Журналистикада сунъий интеллект”, “Цивилизациялар ўртасидаги диалог” каби мавзуларда семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Уларда халқаро медиа майдондаги энг сўнгги янгиликлар, айни кунги журналистикадаги мавжуд муаммолар, уларнинг ечими бўйича фикр алмашилди. Фурсатдан фойдаланиб, халқаро анжуманинг глобал аҳамияти, унинг дунё замонавий журналистикаси учун муҳимлиги борасида ўз фикр-мулохазаларимизни билдириб, тақлиф ва тавсияларни ўртага ташладик.

Мулоқотларда бутун дунёда тинчликни таъминлаш, турли миллат ва элатлар ўртасида ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, журналистлар тараққиётга муносиб ҳисса қўшиши бўйича ҳам сўз юритилди.

4-6

ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

КЎЛАМИ КАТТА ИШЛАР БЎСАҒАСИДА...

Президентимизнинг шу йил 19 июнда Қашқадарё вилоятига қилган навбатдаги ташрифи самимий мулоқотлар, унутилмас воқеаларга бой бўлди

Атрофга боқсангиз, ҳар кун ўзгариш, яна бир яхши янгиликка гувоҳ бўласиз. Кечаги кундан бугун яхшироқ яшамоқни, бугундан эртаси яхши бўлишини ер юзиде яшаётган ҳар бир киши истайди. Аммо ҳозирги шиддатли кечаётган замонда бу осон эмас. Бу ҳар бир соҳада ислохотни талаб этади. Ислохотки, рақобатбардош бўлмоғи керак. Ислохот учун тафаккур қилинмоғи, режа ва мақсадлар сари дадил одимлар зарур. Меҳнат маҳсули эса юқорида таъкидлаганимиз яхши яшамоққа олиб боради.



Яхши яшаш учун шинам уй, хотиржам оила давраси, болалар камолоти учун ишончли маскан талаб этилади. Буларни бирор оила вакили бир ўзи ярата олмайд. Бу бевосита жамият билан узвий боғлиқ. Сиз яшаётган жамиятда ўзгаришлар, янгиликлар бўлаверса, сизнинг ҳам режаларингиз янгилашиб, ҳаётингиз яхшиланиб бораверади. Юртимизнинг қайси ҳудудига борманг, янгилик, одамлар яшаш тарзининг янада яхшиланиб бораётганига гувоҳ

бўласиз. Нафақат оила катталарининг, балки ёш авлоднинг ҳам орзу, режа ва мақсадлари аниқ. Бу мулоқотлар жараёнида тилга чиқади. Юрт раҳбарининг шу йил 19 июндаги Қашқадарё вилоятига ташрифи самимий мулоқотлар билан бошланди.

Қарши шаҳридаги “Air techno servis” экспортчи корхонаси фаолияти жуда кенг. Қиймати 10 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳа электр техникаси йўналишида иш юритади. Қашқадарё

2-6

ИННОВАЦИЯ ВА ТАШАББУСЛАР МАСКАНИ



Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида талабаларнинг ташаббуслари ҳар томонлама қўллаб-қувватланади

6-6

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА

Навоийда ҳаво ифлосланишига ким айбдор?

Навоийликлар ҳар тонгни чанг-ғубор ва ҳавода тарқалган ёқимсиз ҳид билан қарши олмақда. Ҳудуддаги бирорта sanoat корхонаси бунинг учун жавобгарликни ўз зиммасига олмапти. Корхоналар “ҳаво ифлосланишига алоқамиз йўқ” мазмунда баёноتلар бериш билан кифояланмоқда.

Жумладан, ҳолат юзасидан “Навоийазот”АЖ эълон қилган расмий муносабатда шундай дейилади:

“Ушбу ҳолатнинг “Навоийазот”АЖ фаолияти билан боғлиқ эмаслигини исботлаш мақсадида корхонанинг аммиакли селитра ишлаб чиқариш цехи ҳудудига зудлик билан қўшимча кузатув камераси ўрнатилди.

Ёзиб олинган тасвирлардан чангсимон тугун собиқ Навоий электромимё заводи ўрнида қурилган корхоналардан чиқаётганини

яққол кўриш мумкин...

Шундан келиб чиқиб, “Навоийазот”АЖнинг атмосферани ифлослантираётган чангсимон тугунга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини яна бир бор маълум қиламиз”.

“Навоийазот”АЖ илова қилган видеотаъсирларни кўрган ҳар қандай одам даҳшатга тушади, фақат Экология ва зирлигидагилардан ташқари...

КўЛАМИ КАТТА ИШЛАР БЎСАҒАСИДА...

Президентимизнинг шу йил 19 июнда Қашқадарё вилоятига қилган навбатдаги ташрифи самимий мулоқотлар, унутилмас воқеаларга бой бўлди

1-6

Давлатимиз раҳбари мулоқот давомида бу тармоқни янада ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

— Бу соҳада тажриба орттирдик, ташқи бозорга йўл топдик. Энди бу корхонани кенгайтириш керак. Одамзод бор экан, бундай махсулотларга талаб бўлади. Фақат сифат ва номенклатура бўйича ўсиш, рақобатбардош бўлиш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Корхонада 200 киши иш билан таъминланган. Қарши давлат техника университети билан дуал таълим йўлга қўйилган. Ёшлар ҳам ўқиш, ҳам амалий жиҳатдан муносиб кадр бўла олишяпти.

Бу вилоятдаги ташриф давомида учрашув манзилининг биринчиси эди.

Давлатимиз раҳбари Қарши шаҳридан Шаҳрисабзга кетаётиб, поездда Қашқадарёлик фаоллар билан самимий мулоқотда бўлди. Йўлдаги суҳбатлар, атрофни кузатиш, ҳолис бир назар солиш, режаларни қайта кўздан кечириш, гоёларни муҳокама қилиш, шу ҳудуд одамлари фикрини эшитиш, улар учун қандай қилса янада яхши бўлишини билиш, бир сўз билан айтганда, дардини эшита олиш фурсатлари бўлди. Бу ҳам йўловчи бўлиш, ҳам юртимизга келган хорижий меҳмонларнинг нигоҳи билан қарашни аниқлади. Зукко раҳбар фурсати билан йўлда ҳам, поездда ҳам фикрлашди, уларга гоёлар беради, мақсадларни аниқлаштиради, масалаларни муҳокама қила олади. Биз буни катта ҳаяжон билан кузатиб турдик.

Масалалар юзасидан топшириқлар берилди. Бугун бу топшириқлар бўйича Қашқадарёда амалий ишлар бошлаб юборилган.

Юртбошимиз ташриф буюрган кейинги манзил Шаҳрисабз шаҳридаги кўп тармоқли кардиология маркази бўлди. Россиялик тадбиркор билан ҳамкорликда ташкил этилган “Оқ сарой” клиникаси яқинда ишга тушди. Бу ерда 4 та жаррохлик ва 6 та реанимация хоналари, 100 дан ортиқ шифо ўринлари мавжуд. Бир вақтнинг ўзида 4 та ва кунига 25 тагача юқори технологияли кардиология амалиётларини ўтказиш имконияти яратилган. Бунинг учун Россия, Туркия ва Қувайтдан малакали шифокорлар ишга жалб этилган. Стентлаш, аорта коронар шунтлаш, тумна нуқсонларни бартарақ этиш, эндопротезлаш каби даволар самараси юқори.

Марказ юқори аниқликда ташхис хизмати ҳам кўрсатади. Масалан, замонавий эхокардиография усулини сунъий интеллект ёрдамида ишлайди. Бунақаси хозирча Ўзбекистонда ягона. Сунъий интеллектдан самарали фойдаланиш соҳада инновациянинг қанчалик натижадорлигини кўрсатмоқда.

— Бу ердаги тизимни андоза қилиб олиб, 14 та ҳудудимизда шундай клиникалар ташкил этиш зарур. Бунга қанча маблағ керак бўлса, топамиз. Фақат замирида халқимиз учун қофолланган сифатли даво бўлиши лозим. Муқобиллик, рақобат бўлмаса, сифатга интилиш бўлмайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга бу борада тақлиф тайёрлаш, клиникаларни бирламчи бўғин ва тиббий суғурта тизими билан уйғунлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шифохонада 130 та иш ўрни яратилган. Яна бир жиҳати, малакали мутахассислар тайёрлаш учун шу ернинг ўзида клиник ординатура йўлга қўйилган.

Президентимиз бунга алоҳида аҳамият қаратиб, талаба ва шифокорларнинг малакасини ошириш, хорижий мутахассислар билан телемедицинани кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Марказ томонидан мобил диагностика машиналари йўлга қўйилган бўлиб, чекка ҳудудлардаги аҳолига УТТ, МСКТ, ЭКГ каби тиббий хизматларни кўрсатади. Яна бир ислоҳот. Таза сув қилинган, уйдан, рўзгоридан, дала ишларидан, чорвадан вақт ажратиб, дўхтирга боролмаган кишининг ёнига мобил диагностиканинг ўзи келиб турса, бундан у албатта унумли фойдаланади. Ҳақиқат қайғуради. Унинг саломатлигини ўйлаган, ғамхўрлик қилаётган давлатдан миннатдор бўлади. Бу ҳам Қашқадарёда шу кеча-кундузда олиб борилаётган ислоҳотлардан.

Президент Шавкат Мирзиёев Яқкабоғ туманида барпо этилган “Янги Ўзбекистон” массивида ҳам бўлиб, у ердаги янгиланишлар билан танишди.

Яқкабоғ туманида барпо этилган “Янги Ўзбекистон” массиви кўрган кўзни қувонтиради. 18 гектар майдонни эгаллаган массивида 54 та беш қаватли уй қурилган. Бу 1 минг 400 та хонадон аҳолига тақдим этилади. Бу ҳудудни ўзингиз келиб кўрмасангиз бўлмайди. Замонавий архитектура, инфратузилманинг қўлайлиги шундоқ кўриниб турибди. Озода, кўркам, батариб биноларнинг болалар майдончалари ва автотураргоҳлари бор. Бу болалар майдончаларида ўзимизнинг болажонлар уйнайди, дўст бўлади, уяғайди. У ҳам шу Ватанга фойдали инсон бўлиб хизмат қилади. Қайтар дунё, дейишадик-ку. Яхшилиқни, гўзалликни кўрган, яхшиликдан сув ичган инсон, албатта, қалбдан яхши инсон бўлади. Мен бунга ишонман.

Ҳудудда қурилган уч қаватли “Экобозор”да маҳаллий деҳқонлар ўз махсулотларини тўғридан-тўғри истеъмолчиларга етказиш имконига эга. Бу эса ҳам сифат, ҳам нарх жиҳатидан одамларга маъқул бўлмоқда. Бозорда 640 та иш ўрни яратилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу экобозорда яратилган шароитларни кўздан кечириб, сотувчи ва харидорлар билан мулоқот қилди.

— Бозорлар тўқинлик, фаровонлик ва халқнинг маданиятини кўрсатади. Яқкабоғда шундай обод маскан бунёд этилгани қувонарли. Халқимизнинг харид қобилияти, бозор мада-



нияти ошяпти. Шунга муносиб бундай қулай савдо марказларини кўпайтириш керак, — деди Президент.

Ҳудудда энергия тежамкорлиги ва узлуксизлиги, экологик хавфсизлик таъминланган. Қандай дейсизми? Массивдаги инфратузилма иншоотларига қуёш панеллари ва геликколлекторлар ўрнатилган.

Аҳолининг дам олиши, болалар ва ёшларнинг фаол вақт ўтказиши учун ҳам қулайликлар яратилган. Хусусан, сайилгоҳлар, болалар босчаси, спорт майдонлари, соғломлаштириш масканлари ҳамда сервис нуқталари ягона концепция асосида барпо қилинган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг яна бир учрашув манзили Шаҳрисабз тумани Ҳисор тоғи ён бағридаги сайёҳлик ҳудудлари бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 ноябрдаги қарори асосида Қашқадарё вилоятининг тоғли-рекреацион ҳудудларида замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм мажмуалари барпо этилмоқда. Жумладан, хорижий давлатларнинг малакали экспертлари ва етакчи компаниялари иштирокида Мираки, Амир Темур, Улоч ва Полмон маҳаллаларида сайёҳлар учун қулайликлар яратилмоқда. Умумий 240 гектар майдонда 400 миллион долларлик 117 та лойиҳа амалга ошириляпти. Бунинг натижасида эса 1 минг 700 та доимий иш ўрни очилади. Катта рақамлар, катта ишлар ортда катта меҳнат турибди. Катта довларни олиб ўтаётган Қашқадарё бу.

Бугун Миракидаги ўзгаришлар мазкур қарор ва туризм бўйича ўтказилган ишларнинг, олиб борилган самарали меҳнат натижаси. Бу манзил яхлит туризм кластерига — “Мираки” халқаро туризм марказига айланди.

Оқсув дарёсининг икки қирғоғи бўйлаб пиёда ва велосипедда юриш учун ўн километрлик “эко йўлак” ташкил этилган. Болалар майдончаси, кўнгилочар боғ, нуронийлар маскани, оилавий меҳмон уйлари ҳамда кўчма савдо шохобчалари маҳалла кўрғини оширган.

— Шаҳрисабзнинг устун тарафи — йил давомида саёхатга келиш мумкин. Бунинг учун йўл, коммуникация, меҳмонхоналар қуришди. Энди хизмат турларини кўпайтиришни ўйлаш керак. Масалан, Миракига келган меҳмон вақтини қандай ўтказди, нималар харид қилади? Шу талаблардан келиб чиқиб, хизматлар тақлиф қилиш, бу ернинг табиати ва шароитини чет эллардан кенг тарғиб этиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бундай кенг қўлайликлар Қашқадарёга келувчи сайёҳлар сонини оширади. Келган сайёҳ учун ҳам, Ватан ичра сайр қилган юртошимиз учун ҳам ўзгаришлар хурсандчилик олиб келади. Атрофни кузатиб, саёхатга борган кишининг баҳри-дили очилса, албатта, бу манзилга такрор келади. Таассуротларини дўстларига айтади. Борган манзилдан, юрган йўлидан рози бўлади. Бу ободликлар бир кунда яратилмади. Бунинг ортда қанча меҳнат, ислоҳот бор.

Президент Шавкат Мирзиёев Шаҳрисабз туманидаги “Ҳисорак” сув омбори яқинида барпо этилган Ҳисорак кичик гидроэлектр станциясини кўздан кечирди. Бу ерда ишлаб чиқариладиган электр энергия 7 минг 300 та хонадонга етади.

Давлатимиз раҳбарига дарё сувидан энергия олиш бўйича келгуси режалар ҳақида ахборот берилди.

Ҳозирда вилоятда умумий қуввати 49 МВт бўлган 3 та ГЭС фаолият юритмоқда. Истикболдаги лойиҳалар туфайли бу кўрсаткич сезиларли даражада ошиши kutilмоқда. Гидроэнергетика орқали вилоятда аҳоли электр энергияси истеъмолнинг 15 фоизини қоплаш мақсад қилинган.

Мамаклатимизда сўнгги саккиз йил ичида электр энергияси ишлаб чиқариш 38 фоизга ошиб, 81,5 миллиард кВт/соатга етди. Жорий йилда республика бўйлаб умумий қуввати 24,7 МВт бўлган 5 та янги кичик ГЭС фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Азиз замондош, Италия, Франциянинг ландшафтли боғлари, қир-адирларидаги тоқорларини кўрганимиз? Ушандай ҳудуд Шаҳрисабзда бор.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарёга ташрифи

чоғида ушбу агротуризм мажмуасини бориб кўрди.

Мажмуа 520 гектардан иборат бўлиб, адирлик қисмида “терраса” усулида узум, гилос ва олма экилган ҳамда ўрмон барпо этилган. Франциядан энг сара навлар олиб келинган.

— Чўл-адирларни ўзлаштиришимизга шубҳа қилганлар шу боғни келиб кўрсин, — деди Президент.

7,5 минг тонна махсулот етиштириш имкониятига эга мажмуанинг экспорт қуввати 5 миллион долларга тенг. 100 та доимий ва мингдан ортиқ мавсумий иш ўрни яратилган. Кўчатлар ривожини франциялик мутахассис кузатиб боради, ёшларга деҳқончилик сирлари ва бозор талабларини ўргатади.

Ҳудудда, шунингдек, 120 ўринли ресторан ва 100 ўринли меҳмонхона қурилган. Агрологистика ва ўқув маркази, қайта ишлаш, сақлаш қувватлари қурилмоқда.

Мутасаддилар бундай боғларни кенгайтириш, бошқа тоғли туманларда ҳам ташкил этиш режалари ҳақида айтиди. Давлатимиз раҳбари суғоришни ташкил этиб, боғларни аҳолига бўлиб бериш, одамларга даромад манбаи яратиш бўйича топшириқлар берди.

Бир ниҳол экиб, унинг дарахт бўлиши заҳмати боғбондан кўра ҳеч қим яхшироқ билмаса керак. Бугун бир мевали дарахтларнинг сара навлари, боғдорчилик ҳамда илм билан яратилган яшил манзарани кўрган кишининг қойил қолишдан бошқа имкони йўқ.

Юртимизда жадал ривожланиш дастурига кирган туманларда “Ислохотлар штаби” тузилмоқда. Шаҳрисабз, Яқкабоғ ва Қўқдалада ишга тушган янги лойиҳалар бунда тайёр андоза эканлиги қайд этилди. Энди шундай штаб Қашқадарёда ҳам бўлиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари вилоятни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича кўшимча имкониятларни кўрсатиб ўтди.

Юрт раҳбарининг ҳар бир вилоятга сафари ана шундай изчил, долзарб масалаларга ечим бериш, янги гоёлар, юксалишни рабатлантириш, келажак учун янги оқимлар ила кечади.

Кўлами катта ишлар олдига турибди. Ислохотлар самараси узини кўп қуттирмайди. Бу одамларимиз турмуш шароитининг яхшиланishi олиб келади.

— Кўриб турганингиздек, Қашқадарёда режалаштирган ишларимиз кўп. Амир Темурдек буюк аждодимиздан жасорат, матонат, бағрикенглик каби фазилатларни мерос қилиб олган меҳнатсевар, самимий ва олижаноб вилоят аҳли билан олдимизга қўйган улкан марраларга албатта эришамиз. Аминманки, қашқадарёликлар барча ислохотларимизнинг олдинги сафида бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вилоят ва туман ҳокимлари, тармоқ раҳбарлари ахборот берди, тадбиркорлар ва жамоатчилик вакиллари билан мулоқот қилинди. Мулоқотки, самимиятга йўғрилган.

Ташриф барча соҳа вакиллари қатори биз ижодкорларни ҳам илҳомлантирди. Биз ҳам ўз ишларимиз сарҳисобини қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими томонидан ҳар йили қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда йил давомида уюшма ташаббуси билан 200 га яқин маънавий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари, ижодий танловлар ва янги китоб тақдимотлари ўтказиб келинади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилоят бўлими қошида 11 та ижодий тўғрак очилган. “Қашқадарё илҳомлари”, “Истеъдод чорлови”, “Насаф оқшомлари”, туманларда “Абдулла Орипов издошлари”, “Митти булоқлар”, “Қаламқашлар”, “Насаф илҳомлари”, “Умид учкунлари”, “Еш қаламқашлар”, Қарши давлат университети қошида “Еш ижодкорлар” деб номланган адабий тўғрақлар фаолият юритмоқда.

Шаҳрисабз давлат педагогика институтига “Юзма-юз” ижодий тўғраги ташкил қилинган. Тўғрак аъзолар сони 162 нафардан иборат. Машғулотлар бир ойда икки мартаба ўтказилади.

Тўғрақлар фаолияти давомида вилоят ижодкорларининг ижод намуналари таҳлил қи-

линади, сараланади. Камчиликларни тузатиш бўйича тавсиялар берилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида шу кунгача Бүритош Носировнинг “Армуғон”, Хосият Лутфуллаевнинг “Эъзоз абадияти”, Лола Уроқованин “Кўнғирок”, Неъмат Арслоннинг “Ёзувчи учун атир”, Иброҳим Муҳаммаднинг “Денгизга термулган қиз” ва Жамшид Ҳақбердиевнинг китоблари чоп этилди.

Ҳудудий бўлим ташаббуси билан ҳар йили қатор бадиий китоблар нашр этиб келинмоқда. Жумладан, 2025 йилда тўғрак аъзоларининг “Қашқадарё ёшлар баёзи”, Мурод Зариповнинг “Қалб ёғдуси”, Даврон Султоннинг “Мақтуб”, Шуҳрат Сайиднинг “Юртим ёхуд жадидлар”, Дилфуза Норматованин “Орзулар йўли”, Хуршида Шаропованин “Юракка йўл” ҳамда Латофат Амированин “Йўловчи” деб номланган китоблари нашр қилинди. 2022 йилдан ҳозирга қадар 52 нафар ижодкорнинг китоблари нашрга тайёрланиб, ўз маблағлари ҳисобидан нашр қилинди.

Республика ёш ижодкорларининг Зомин аънавий семинарида иштирок этиш истагида булган ёшлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Биргина 2024 йилда 51 нафар ёш ижодкор ҳужжат топширган бўлса, жорий йилда бу рақам 67 нафарга етди.

Олти нафар қашқадарёлик ижодкор-ёшлар Шоҳруҳ Усмонов “Тадорик”, Зикрилла Маматов “Умидли дунё”, Гулсевар Умрзокова “Емғир”, Дурдона Бобомуродова “Маҳзумим”, Бибиғул Адиева “Хаёл кемаси”, Муҳаммадали Гаффорларнинг “Ишқ сафари” номли илк китоблари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Менинг биринчи китобим” лойиҳаси дастурида 10 минг нусхада чоп қилинди.

Бундан ташқари, Зомин семинарига, икки йилдирки, квота асосида Президентимиз ташаббуси билан Абдулла Орипов ижод мактабидан ҳам 5 нафар иқтидорли ёшлар иштирок этиб келинмоқда.

Қувонарлиси, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг адабиёт йўналиши бўйича Роҳилбону Ғўҷиева (2022), Мазмура Тўраева (2023) ҳамда Мадина Муҳаммадризаевалар (2025) ушбу юксак мукофотга сазовор бўлдилар.

Абдулла Орипов ижод мактабида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари томонидан ҳар йили 15 га яқин маҳорат дарслари ва ижодий учрашувлар ташкил қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши билан бевосита ҳамкорлик асосида вилоятимиздаги ҳарбий қисмлар ва “Темурбеклар мактаби”да ҳам 40 га яқин ижодий учрашувлар, китобхонлик тадбирлари ташкил қилинмоқда.

Бундан ташқари, Президентимизнинг “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида йил давомида вилоятдаги “Оилавий меҳрибонлик уйлари” тарбияланувчилари билан ҳар ойда бир марта учрашувлар ташкил этилиб, уларга яратилган шароитлар билан яқиндан танишиб, болалар ҳолидан хабар олиб келинмоқда, китоблар совға қилинган.

Вилоят бўлимида қардош халқлар адабиёти вакиллари билан халқроқ адабий-бадиий алоқалар ҳам кенг йўлга қўйилган. Қозғистон, Қирғизистон ва озарбайжонлик шоир ва ёзувчиларнинг асарлари жамланган “Қозғ-Ўзбек ижодкорлари”, “Қирғиз-Ўзбек ижодкорлари” антологиялари икки тилда чоп этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан уюшма аъзолари Дилрабо Бобоқуллова, Норқиз Кенбобоев, Ҳафиза Эгамбердиева ва Иброҳим Пайдоевларга бир марталиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳар йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан вилоят бўлимига ажратиладиган 2 мингга яқин адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий китоблар йил давомида ўтказилган тадбирларда иштирокчиларга бепул тарқатилади.

2021 йилгача вилоятимизда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари сони 34 нафарини ташкил этган бўлса, ҳозирда аъзоларимизнинг сафи бир баробарга ошиб, 62 нафарга етди.

2025 йилда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими фаолиятини янада ривожлантириш учун бир қатор режа-дастурлар ишлаб чиқилган.

Жумладан:

— “Яшил макон” умуммиллий давлат дастурига асосан вилоятимизда яшаб ижод қилаётган шoir-ёзувчилар ва ижодкорларнинг маънавий ҳордиқ олишлари ва турли танловлар, “Насаф оқшомлари” мушоира кечаларини ўтказиш учун “Ижодкорлар боғи”ни ташкил этиш;

— вилоятимизда яшаб ижод қилган ва ижод қилиб келаётган таниқли адиб ва шоирларнинг ижодий меросини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида мактаб ўқувчилари, талабалар ва ижодкорлар ўртасида “Адабиётимиз ифтихори” номли адабий танлов ташкил қилиш;

— иқтидорли ижодкор ёшларни маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг китобларини чоп этишда амалий ёрдам кўрсатиш;

— вилоят бўлими ташаббуси билан Қарши шаҳридаги маҳаллаларда янги лойиҳа — кутубхоналар ташкил қилиш мўлжалланган.

Режаларимиз бисёр. Президентимиз қўллаб-қувватламоқда, элимизга зиё, маърифат улаштиришга муносиб ҳисса қўшиш, маънавияти бой халқимиз билан миллий аъналаримизни қадрлаган ҳолда жаҳонга чиқмоқ, адабиёт билан, сўз билан кадр топмоқ асосий мақсадимиздир.

Гулом АБДНЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси Қашқадарё вилояти
бўлими раҳбари.

ЖИЗЗАХНИНГ САНОАТ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА — ДАШТ ЖОЙЛАРДА ЗАМОНАВИЙ КОРХОНАЛАР ПАЙДО БЎЛЯПТИ

1-6

Муҳими, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 320 миллион долларни ташкил этади. Шундан 140 миллион долларлик махсулот экспортга йўналтирилади. 7 мингдан зиёд аҳоли иш билан таъминланади.

Саноат паркида тайёрланган махсулотлар Озарбайжон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон сингари 15 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилинади.

Ҳозирги ўзгарувчан бозор талабларига тез мослашиш учун заводнинг ўзида қопилхона ҳам ташкил этилади. Замонавий логистика маркази орқали махсулотлар харидорга изчил етказиб берилди.

Бундан ташқари, саноат паркида “Автосаноат” АЖ тарихийдаги корхоналар учун пластмасса махсулотлари тайёрлаш ҳам режалаштирилган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида имкониятларни тўла ишга солиш чоралари қўрилмоқда. Утган йил 31 декабрда Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича Президент қарори қабул қилиниб, зарур масалалар ҳал этиб берилган эди. Хусусан, унда 2025 йилда 2 миллиард доллар инвестиция жалб этиш, экспортни 285 миллион долларга етказиш, 168 минг кишини ишга қилиш чора-тадбирлари белгиланган.

Бу вазифалар бирин-кетин бажарилмоқда. Утган олти ойда Жиззахда саноат, сервис ва қишлоқ ҳўжалигида 200 та лойиҳа ишга тушди. Вилоятга 662 миллион доллар инвестиция кириб келди.

Натижадорликни янада ошириш мақсадида Жиззах вилояти Зомин туманида ҳам “Ислохотлар штаби” тузилган.

Давлатимиз раҳбари ташрифи давомида вилоятда амалга оширилиши режалаштирилган янги лойиҳалар тақдими билан ҳам танишди.

Хусусан, “ягона дарча” тамойили асосида қишлоқ ҳўжалиги хизматларини битта жойга жамлаган “Агромарказ” ташкил этилди. Ҳосилдорликни оширишга қаратилган янги ҳандашувлар вилоятда озиқ-овқат махсулотлари сифатига ижобий таъсир этиб, аҳолининг кўпроқ даромад топишига имкон яратмоқда.

Жиззах вилояти картошқачилиқни ривожлантиришга замин қилиб олинмоқда. Бугунги кунда Зомин илмий тажриба станциясида хорижий ва маҳаллий селекцияга мансуб 12 та нав бирламчи уруғчилиги йўлга қўйилди.

Одатда, уруғлик картошқа етиштириш 6-7 йилни ва 8 та босқични талаб қилса, янги таклифа кўра, жараён 4 босқичга камайтирилиб, 2 йилда тайёрланади. Бунда картошқанин янги селекция навларидан 12 тонна юқори авлод супер элита уруғлик аҳоли хонадонларига бепул тарқатилади. Натижада 120 тонна элита картошқа уруғлиги етиштирилади. Лойиҳа доирасида Зомин ва Баҳмал туманлари уруғлик картошқа етиштиришга ихтисослаштирилади.

Шунингдек, дуқакли экинлар экиш, Зарбдор туманидаги қандала насос станциялари ва магистрал қувурлар куриш режалари белгиланган.

Жиззахнинг турфа табиати, тоғли ва чўл ҳудудлари йилнинг тўрт фаслида ҳам саёхат қилиш имконини беради. “Зомин” туристик-рекреацион зонаси, Зомин аэропорти ва янги йўллар бу имкониятларни янада кенгайтирди. Йиркик 6 та канал бўйида сайилгоҳлар ташкил қилинди. Энди “Айдар-Арносо” кўллари тизими қирғоқ бўйида ҳам замонавий туризм маркази барпо этилади.

МАЪНАВИЯТ ГУРУНГЛАРИ

БЕКБОД ЁРУҒ ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИДА...

“Долзарб 90 кун” лойиҳаси доирасида Бекобод туманида ўтказилган китоб тақдимотига таклиф этишганида хурсанд бўлдик. Чунки дунёда китоб тақдим этишдан улуғроқ, савоблироқ иш борми? Қолаверса, китоб баҳона, китобхонлар билан сўзлашасиз, фикрлашасиз, уларни нималар қизиқтиришни яқиндан билиб оласиз, ижодий режаларингизни шу фикр-мулоҳазаларга таяниб ўзгартирасиз, уларни китоб ўқишга қизиқтириш учун ҳамма куч-қудратингизни ишга соласиз. Дошишманлар бежиз айтишмаган: “Китобни ёқиб юбориш жиноят, бироқ ундан-да оғир жиноят, бу китоб ўқимасликдир”. Ахир ўқувчи бор экан, ёзувчи бор, ўқувчи йўқ экан, демак, ёзувчининг ҳам пайтавасига қурт тушади.



таб ўқувчилари кутиб туришар эди.

Ижодий учрашувни туман ҳоқими Зайнилобиддин Низомиддинов очиб бергач, қизгин ижодий муҳитга тушиб қолгандай бўлдик. Биз келишимиздан ўн кун олдин Абдусайд Кўчимовнинг “Бадиҳалар”, Қозоқбой Йўлдошевнинг “Кўркам сўз ёдуси”, каминанинг “Ойга осилган байроқ” китобларимиз ўқувчиларга тарқатилган, улар шеърларимизни ёдлашган, ҳикоя, мақолаларимизни ўқиб, биз билан қизгин суҳбатга, савол-жавобга хўб тайёрланишган экан, худди эски қадрдонлардек, бир-биримиз билан тезда чиқишиб, қалбдан яқин бўлиб, юзма-юз кўришганимиздан сўнг, ижодий учрашув олови тезда юксакка кўтарилиб кетди. Бекободликларнинг ўқимишли, зиёли, китобхон ҳалқ эканлиги яққол билинди-қолди. Ахир Бекобод минг йиллардан буён тарих саҳифаларида ярқ этиб кўриниб келяпти-де. Ибн Арабшох, Мирхонд, Захириддин Муҳаммад Бобур китобларида Бекобод номи бир неча бор эътиром билан ёзилган. Минг йиллик тарихга эга масканининг фарзандлари албатта ўқимишли, зукко ва оқил бўлади-да.

Биз ҳам ўтирганларнинг кўпчилиги мактаб ўқитувчилари, азиз устозлар, толиби илмлар, ўқувчилар эканлигини инобатга олиб, суҳбат мавзусини аввало муаллимларни улуғлашдан бошладик.

— Дунёда иморатларнинг энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг энг шарафлиси ўқитувчилик. Ҳатто Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов сизларга ҳавас билан, бежиз ушбу шеърини битмаган эди:

Шоирга дедилар: — Сиз бахтли инсон,
Халқингиз ардоқлар, ҳамма танийди.
Шоир жавоб қилди: — Менда бир армон:
Муаллим десалар мени, қанийди!

Ҳа, сизнинг касбингиз хатто улуғ шоирлар ҳавас қиладиган касб. Чунки сиз азиз дилбандларимизга, кўз қароғларимизга, жон-у жаҳонимиз бўлган фарзандларимизга таълим бера-сиз, кўлига китоб тутасиз, китобга бир умрлик ошно этасиз, китобнинг нуру зиёси билан қалбларини ёритасиз. Китоб маёқ сингари уларга бир умрлик йўлни юлдуз бўлиб қолади. Она Шарқимизда устозга азал-азалдан юксак эҳтиром кўрсатилган. Ҳатто отадан улуғроқ деган сифат берилган. Ҳикоя қилинишича, Имом Бухорий ҳазратлари бир муддат Маккаи муқаррамада дарс олганлар. Бир зиёратчи Бухорои шарифдаги устозларидан салом ва мактуб олиб келадилар. Шунда Бухорий устозларининг юртдан келганини билиб, кучоқ очиб қўришиб, ҳурмат изҳор қилганлар. Сўнг салом хабарини эшитилганларида, Бухорои шариф томонга юзланиб, саломга алик олиб ҳурмат бажо келтирганлар. Кейин мактубни икки қўллаб олиб, эҳтиром билан хатни ўқиганлар. Қаранг, азизлар, қандай ибратли воқеа! Шоғирд нима учун устозга бу қадр юксак эҳтиром кўрсатмоқда? Чунки устоз, аввало, шоғирда китоб ўқинши, китобни севишни, китоб билан бир умр ҳамроҳ бўлишни ўргатган. Китоб дегани бу илм дегани, бу маърифат дегани, бу юксак одоб-ахлоқ дегани. Шунинг учун китоблар ичида энг азизи, энг улуғи бўлиши Қуръони каримда “Илм” сўзи саккиз юз ўн бир жойда келади. Қаранг, битта китобда илм сўзи 811 жойда келтирилган. Бу китоб ўқинишнинг нақадар зарурлигини далолат эмасми? Муҳтарам Президентимиз оддий ва содда қилиб: “Битта китоб ўқийдиган

боло ўнта телевизор кўрадиган болани эргаштиради”, деганларида нақадар ҳақ. Ҳатто америкаликлар: “Китоб ўқимаган одамнинг мурда-



дан фарқи йўқ”, — дейдилар. Бу гап кўпол бўлган ҳолда, ўзида ҳақиқатни мужассам этган гапдир. Муҳтарам Президентимизнинг китоб ўқишга даъватлари, ҳақиқий инсон бўл, деган оддий ва буюқ даъватдир, чунки ҳар бир инсоннинг қадр-қиймати, улуғлиги, дунёқароши, фикр доирасининг катта-кичиклиги фақат ва фақат у ўқиган китоб билан белгиланади. Ҳар биримизнинг уйимизда, хонадонимизда, фарзандларимиз олдида юзлаб китоблар бўлиши шарт ва мажбурийдир. Тараққиётга фақат ва фақат китоб ўқиш орқалигина эришилади. Хурматли бекободликларга бу йўлда улкан омадлар ва зафарлар ёр бўлишни тилаб қоламиз, — деди адабий учрашувда Абдусайд Кўчимов.

— Мен учун бугун жуда қувончли ва ҳаяжонли кундир. Бунинг сабаби иккита. Биринчиси, бекободликларга бегона эмасман. Мен ёшлигимда кўп йиллар ушбу туманда ишладим, меҳнат қилдим, ош-нон едим, дўст-ёр орттирдим, ўсиб улгайдим ва бу заминга муҳаббатим бир умрликдир. Бугун мана шу муҳаббат билан қаршигизда турибман. Иккинчиси, қадрдоним, дўстим, ўзбек адабиётининг улкан вакили Абдусайд Кўчимовнинг “Бадиҳалар” китобининг тақдимотида қатнашман, — дея сўз олди Қозоқбой Йўлдошев. — Лекин бугун Бекобод ҳаддан зиёд ўзгариб кетибди. Мен юрган кичик йўлақлар катта трассаларга айланибди, қирлар боғ-роққа, утлоқлар чаманзорга айланибди. Кичкина уйлар ўрнча катта ва гўзал иморатлар қурилибди. Кечагина қуриб ётган телалиқлар ўзлаштирилиб, интенсив олмазордага айланганлиги бўлибди. Бунинг учун отангизга балли дейман, азиз бекободликлар! Сизларга офарин, сизларга ташаккур! Энди ижодий учрашувимизнинг ўзига қайтадиган бўлсак, Абдусайд Кўчимов, билан, сизларнинг сеvimли ёзувчингиз. У киши ҳақида кўп ва хўб гапириш мумкин. Абдусайд Кўчимов адабиётга янги бир оқим олиб келди. Бу янги оқим шун-

дан иборатки, авваллари ижод аҳли бир-бирларини кейинроқ, “ўлгандан кейин” эътироф этар эди, тан олارد. Абдусайд ака шу ишни ижодкор ҳали тирикчилигида эътироф этиш гоёсини илгари сурди ва шу йўлда ижод қилмоқда. Биз сизга тақдим этаётган “Бадиҳалар”нинг асосида шу гоё ётади ва бадиҳаларда тилга олинган қаҳрамонларнинг, ёзувчи-шоирларнинг кўпчилиги ҳозир ҳаёт ва жўшқин ижод қилмоқда. Бу фазилат ёзувчининг бағри кенглигидан, инсонпарварлигидан, ҳаётни теран англашдан далолат беради. Абдусайд ака шу билан бирга сўзга ниҳоятда катта эҳтиром билан ёндашади. Сўзни ҳурмат қилади. Сўзни ҳуда-беҳуда ишлатавермайди. Катта-катта воқеаларни иложи бўлса битта сатрда баён қилади. Фикр туйғуга йўғрилиб, туйғуда фикр учқунланганда ўқишли шеър дунёга келади. Абдусайд Кўчимовнинг ўзига хўш шоирона нигоҳи, бир умр юракка миҳдай қадалиб қолгучи сатрлари бор. У оламу одамдаги ҳеч ким пайқамаган жиҳатларни кўришга интилади ва кўрганларини ҳеч ким қўлмаган сўзлар ёрдамида ифода этади. Масалан: “Кеча-кундуз гапга ботар гап”. Қандай гўзал тасвир. Драматик ҳолат.

шинди. Айниқса, тумандаги 2-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Жасмина Исмоилжонованинг “Ватан” ҳақидаги шеъри давра аҳлини бир қалқитди. Сабаби, шеър жуда таъсирли эди. Ҳатто шеърни ўқийётганда Жасминанинг ўзи йиғлаб юборди. Кўпчилигининг талаб ва истакларига биноан Жасминанинг шеърлари “Шарқ юлдузи” журналида чоп этилаётган бўлди. Шундан сўнг меҳнат фахрийси, устоз Абдусаммад Жумабоев, тумандаги 37-мактаб, 11-синф ўқувчиси, хаваскор шоира Жамила Мансурова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Нурали Жалил, меҳнат фахрийси, шоир Муҳиддин Маҳкам, тумандаги 48-мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиси Дилдора Кўчимова, туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими мудираси Нодира Дўсматова, шоира Инобат Султон сўзга чиқиб, меҳмонларни ўз ихлоқларидан баҳраманд этдилар, совға этилган китоблар учун миннатдорчилик изҳор этишди.

Бугун учрашув давомида биз билан бирга бўлган туман ҳоқими З.Низомиддинов ҳам ижодий учрашувдан мамнун эканлигини баён этди:

— Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев мутлола ҳақида фикр билдириб, жумладан, шундай деган эдилар: “...ҳаммамиз учун айни пайтда жуда муҳим ҳақиқатга эга бўлган масала, яъни китобхонлиқни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди”. Шу маънода бугунги ижодий учрашувдан жуда мамнунман. Бугун туманимиздаги олтинта мактабга юз дондан китоб тарқатмоқдамиз. Китоб муаллифларининг ўзлари иштирок этиб, даст-хат қўйган ҳолда юракларининг қони билан ёзилган китобларини тақдим этмоқда. Йил сўнигида мактабларимизга бир неча минг дондан ортқ китобларни ҳада этиамиз. Улар нафақат бадий, балки қизиқарли илмий-оммабоп, фан, техника, бизнес, лидерлик, шахс, сунъий интеллект ҳақидаги замонавий китоблардир. Чунки тараққиётнинг ягона йўли китоб ўқишда, ўқиб ўрганишда, интилишда ва юксак чўққиларни қўзлашдадир. Соҳибқирон Амир Темир бобомиз ҳам бежизга “Китоб — барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир” демаганлар. Мен бугун туманимиз ижодкорларининг интилишлари, кўзларини ёниб турганини, шеърларини завқ-шавқ билан ўқиб бераётганларини кўриб, ниҳоятда қувониб турибман. Кўшни туманимизда туғилиб ўсган, Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиевани 9-синфда, пахта далаларида пахта териб юрганида кашф этишган. Ёзувчилар пахта далаларида худди бугунгидек ижодий учрашув ўтказишгаётганда Ҳалима опа шеър ўқиб берганлар. Ёзувчиларнинг, Шароф отанинг, Зулфия опанинг назарларига тушиб, адабиётдаги катта шон-шухрат чўққиларига дастлабки қадамларини ташлаганлар. Ажаб эмаски, бизнинг туман ёшлари орасидан ҳам Ҳалима опадек оловқалб ижодкорлар етишиб чиқса! Ишонманки, уларнинг руҳини кўтарсак, уларни қўллаб-қувватласак, маънавий-моддий мадда бўлсак, келажакда улар забардаст ижодкорлар бўлиб етишади. Бир кишидан “Инсон китоб ўқиб бахтли бўла оладими?” дея сўрашганда, “Китоб ўқинишнинг ўзи бахт!” деб жавоб берган экан. Бугунги тадбир иштирокчиларига, барча барчага бахт тилаймиш, ҳаммангизга омад ва зафарлар ёр бўлсин! Бугунги тарихий кун учун азиз меҳмонларимизга яна бир бор ташаккур, соғ бўлсинлар, улар мактабларимизга, маҳалларимизга, пахта далаларимизга, меҳнаткаш ва доно бекободликларнинг олдига яна келадилар дея умид билдириб қоламиз.

Шундан сўнг адабий кеча куй ва қўшиқларга уланиб кетди. Таъкил хонандалар ўзларининг жозибадор қўшиқлари билан барчани хушнуд этди.

Бекободдаги маънавий-маърифий учрашувлардан завқ олиб, кўнглиларимиз тўлиб бир олам таассуротлар билан қайтдик. Юртимизда китоб байрамлари ҳар кун бўлаверсин!

Муҳаммад ИСМОИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси,
Халқаро Рабиндранат Тагор
муқофоти совриндори.



КЕЧИНМА

ОРЗУЛАРИМ ОСМОНДА ЭДИ...

Ёшлигимда: “Қачон катта бўламан? Қачон мен ҳам катта-катта шаҳарларга бораман?” деб ҳаёлан ўзимга ўзим кўп саволлар берардим. Шу тарихи болалигим Шерободнинг чекка бир қишлоғида ўтди. Мана, ўша кунлар келди ва мен юртимизнинг тарихий шаҳарларига бордим, кўрдим, бугун эса пойтахтимиз Тошкентда яшайман, ўқияман ва ишлайман.

Яқинда 25 ёшга тўлдим. Инсон улғайгани сари ташвишу муаммолари ортиб бораверар экан. Болалик пайтида самолётда учини жуда истардим ва истагимга етдим. 2021 йил

март ойда Термиз – Москва йўналишида Россия Федерациясига учдим: албатта, ишлаш учун. Мусофирлик, ўзга юрда пул топиш осон эмас. Бир йилдан кўпроқ муддат Москвада ўзбек миллий таомлари ресторанида новвойчиликни ўргандим. Бунга кўп вақт кетмади: бор-йўғи 20-25 кунда урдасидан чиқдим.

Мен учун ота-бобом қилмаган новвойчилик касби кундан-кунга ёқиб қолди. Ишладим, пул топдим, лекин кўнглим тўлмасди. Сабаби синфдош ўртоқларим олий маълумотга эга бўлиб, мактаб, касалхона ёки банк соҳасида ишлай бошлаган эди. Шундан сўнг ичимда кучли исён пайдо бўлди: “Тендошларим каби ўқиб, олий маълумотли бўлиб юр-

сам-чи?” деган мақсад туғилди. Вақт ўтиши билан Тошкентга қайтдим. Шу ерда иш топиб ишлаб, ўқишга топширдим. Аллоҳ омадими бериб, ўтган йили ўқишга кирдим. Ўзбекистон Миллий университети талабаси бўлишга мушарраф бўлдим.

Оилавий шароитим мени ўқитишга етмасди. Шу боис ҳам ишлаб, ҳам ўқиб ўзимни эплаган интилдим. Айни пайтда пойтахтдаги кафелардан бирида касса ходими бўлиб иш-ламоқдаман. Салкам икки йил бўлибди: вақт қанчалар дарё каби тез оқмоқда-я!

Иш фаолиятим мобайнида кўп қизиқ ва қулгили, ажабланарли, гоҳида қайғули вазиятларга тез-тез дуч келаман. Энг қайғули ҳолат —

ярим тун соат 01:00 ёки 02:00 бўлишига қарамай, ичиб маст бўлган, ярим яланғоч кийинган қизлар кириб келаверади. Улар пул учун чет эл фуқароларига эргашиб юришади: бири хитойлик, бири турк, бири ҳинд йигитлари билан. Афсуски, буларнинг барчаси ҳақиқат. Ҳайронман — ўзбек қизларининг ибоси, ҳаёси, иффати шу даражада йўқ бўлиб кетмоқдами, деган савол мени қийнайди. Кўчада, ўқишда, ишда шундай афсусларни ҳолатларни кўриб, шунда ўзимга айтаман: “Наҳотки ҳақиқат қалампирдан аччиқ бўлса?”

Шохрух РАЖАБОВ,
ЎзМУ 2-курс талабаси.

ДУНЁ ЖУРНАЛИСТЛАРИНИ БИРЛАШТИРГАН МЕДИАФОРУМ

1-6

Иштирокчилар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар билан ҳам таништирилди, Цзянси провинциясига қарашли Гуанчжоу ва Нанчанг шаҳарлари, Лушан тоғ ҳудуди бўйлаб экскурсиялар ташкил этилди.

Айтиш мумкинки, ушбу форум турли давлатлар журналистлар уюшмалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, ўзаро мулоқот ва тажриба алмашиш учун қулай шароит яратди.

Бугун хориз тилларини билмасангиз ҳам махсус қурилма ва таржимон дастурлари орқали турли тилли ҳамкасблар билан бемалол суҳбатлашиш имкони яратилган. Ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, Уюшма масъули сифатида Умумхитой, Россия, Беларусь, Қирғизистон Журналистлар ташкилотлари раислари Хе Пинг, Владимир Соловьёв, Андрей Кривошеев, Азамат Касымбеков ва бошқа ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш бўйича мулоқот қилиб, келгусида биргаликда амалга ошириладиган ишларни келишиб олдик.

Хитойга сафаримизнинг иккинчи кунинда "Олтин қалам" XVI миллий мукофоти учун халқаро танловнинг "Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун" номинацияси 2-ўрин соҳибни, покстонлик Халид Таймур Акрам билан куришиб, суҳбатлашдик.

— Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида очилган, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, соҳа ходимларини рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлардан яхши хабардорман. Мамлакатингизда амалга оширилаётган ана шу ислохотларга оид материалларимиз турли тилларда эълон қилиб борилмоқда, — деди Халид Таймур Акрам. — Кўп давлатларда бўлганман. Биласиз, соҳамиз ходимлари ўртасида турли танловлар ўтказилади. Аммо мен шу пайтгача сизларда ҳар йили ташкил этиладиган "Олтин қалам" халқаро танловидек, танлов ғолибига — журналистга энгил автомобиль берилганини эшитмадим. Албатта, бу давлатингиз раҳбарининг медиа соҳа вакилларини моддий қўллаб-қувватлашга қаратаётган алоҳида эътибори намунасидир.

Халқаро медиафорум ҳақиқатдан ҳам юқори савияда ташкил этилди. Ташкилотчилар беш қитъадан келган соҳа масъуллари ва ОАВ ходимларини беш гуруҳга бўлди. Улар беш йўналиш бўйича тадбирларда иштирок этилди. Яқинда эса ҳамма жам бўлди. Бу ерда рамзийлик шуки, бешта бўлинган журналистлар гўёки инсон кўли бармоқлари. Улар — дунё журналистлари бирлашса, муштдек бақувват ва кучли бўлади, деган ғоя мумассамдир.

Маълум қилингандек, бу йил саккизинчи бор ўтказилган ушбу йирик тадбир иштирокчилари сони ва географияси йилдан-йилга ошиб бормоқда. Халқаро медиафорум яқинда бағишланган тантанали тадбирда бир қатор давлатлар медиа ташкилотлари, жумладан, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Халқаро Журналистлар уюшма аъзо бўлганлиги эълон қилинди.

Ушбу аъзолик уюшмага нима беради, деган савол тугилиши мумкин. Таъкидлаш жоиз, Халқаро Журналистлар уюшмаси дунёдаги журналистлар билан ишловчи ташкилотларни бирлаштирувчи платформа ҳузурида фаолият олиб боради. Маъмур платформа юқорида таъкидлаганимиздек, юздан ортиқ давлатлар журналистлар уюш-



маларини жамлаган. Уларнинг сони кўпайиб бормоқда. Уюшмамизнинг унга аъзо бўлгани бизга биринчи навбатда халқаро ҳамкорлик учун кенг имкониятлар эшигини очди. Бошқача айтганда, ташкилотимизнинг халқаро майдондаги нуфузини оширади. Шунингдек, журналистларимизнинг хориз давлатлари медиа ташкилотларига бориши, тажриба алмашишини таъминлаш масалаларида Уюшмамизнинг кўмаги янада ортади, ўрни мустаҳкамланади.

Шу ўринда мазкур халқаро медиафорум Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси учун ҳам ҳар жиҳатдан самарали бўлди, дейиш мумкин. Негаки, йирик анжумандан унумли фойдаланган ҳолда Ўзбекистон билан дунё мамлакатлари ўртасида журналистика, медиа соҳасида ҳамкорлик ришталарини боғлаб, доимий мулоқот ўрнатилганлиги келишиб олинди. Келгуси фаолиятимизда айни келишувлар натижалари ва самараларига, насиб бўлса, ҳамкасбларимиз гувоҳ бўлишади.

...Халқаро медиафорум тадбирлари яқинда етди. Тадбир иштирокчилари, хорижликлар, ташкилотчилар-волонтерлар билан саммиий ва дўстона хайрлашдик. Мени таъсирлантирган нарса шу бўлдики, айни жараёнда тили, дини, миллати бошқа-бошқа инсонларнинг кўзида ёш қўрдим. Бу — меҳр-оқибат, дўстлик, биродарлик ёшларидан дарак эди.

Холмурод САЛИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси раиси в.б.

Тошкент — Пекин — Цзянси,
Цзянси — Пекин — Олмаота — Тошкент.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

ОРОЛЬЎЙИ ҲУДУДИДА...

Қишлоқ ҳўжалиги экинларидан мўл ҳосил олишда тупроқ таркибини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда экин майдонларининг тупроқларини агрохимёвий таҳлилдан ўтказиб, уларга тегишли хулосалар бериш билан шуғулланувчи Қорақалпоғистон Республикаси агрохимёвий таҳлил маркази томонидан самарали ишлар олиб борилмоқда.

Ана шу марказ фаолияти билан таништириш мақсадида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Усимликлар карантини ва химояси агентлиги томонидан пресс-тур ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Агрохимёвий таҳлил маркази Орольўйи ҳудудида тупроқнинг агрохимёвий таҳлили амалга оширувчи ягона корхона ҳисобланади. Марказ Германия, Россия ва Ҳиндистон давлатларида ишлаб чиқарилган замонавий лаборатория ускуна ва жиҳозлари билан таъминланган бўлиб, унда фаолият юритаётган ишчи-ҳодимлар махсус курсларда билим олган малакали мутахассислар саналади. Таъкидлаш жоизки, марказ 2023-йил 4 октябрда "Ўзбекистон аккредитация маркази" ДУК то-

монидан техник жиҳатдан тажрибаси маъқулланганлигини тасдиқловчи гувоҳномани Ўзбекистон Республикасида биринчилардан бўлиб олган.

Тадбирда иштирокчилар ердан самарали фойдаланиш, тупроқнинг агрохимёвий таҳлилинини ўтказиш, минерал ва органик ўғитларни илмий асосланган ҳолда қўллаш, шунингдек, ўсимликлар, мева ва сабзавотларни турли зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

Марказ қишлоқ ҳўжалиги экин майдонлари унумдорлигини ошириш мақсадида шартнома асосида агрохимёвий таҳлилдан ўтказиш ва шу асосда ердан фойдаланувчиларга илмий асосланган тавсиялар кўрсатилган агрохимёвий картограммалар ишлаб чиқиш, қишлоқ ҳўжалиги агрохимёвий таҳлили билан бирга турдаги минерал ўғитларни сифатининг тегишли давлат стандартларига мослигини таҳлил қилиш сингари муҳим ишларни амалга ошириб, тегишли хулоса беради.

Тадбир иштирокчилари Агрохимёвий таҳлил маркази лабораториялари фаолияти билан танишиш давомида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

ФАХРИЙ ИЖОДКОРДАН ЯНГИ ТУҲФА

Кармана туманидаги Ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навойи вилояти бўлими ҳамкорлигида карманалик публицист-ёзувчи Абдуғаффор Холиқовнинг "Ҳаёт манзиллари" деб номланган янги китоби тақдими ўтказилди.


Ижодкор Абдуғаффор Холиқов 1952 йилда Кармана туманидаги Сангбур қишлоғида таваллуд топган. 1979 йилда Тошкент давлат политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)ни тугатган. "Дийдор", "Боқий чинор", "Сангбулар тарихи", "Ҳаёт кўприги" каби қатор библиографик-тарихий асарлари чоп этилган.

Тадбирда сўзга чиққан ижодкорлар "Ҳаёт манзиллари" китобининг мазмун-моҳияти жиҳатдан ўқувчини инсон умридаги

йиллар ва йўллар сарҳисоби, қаноат билан яшаш мазмуни, ҳаётни қадрлашга ундаши билан аҳамиятли эканлиги ҳақида тўхталиб ўтдилар.

— Изланувчан ижодкор Абдуғаффор Холиқов билан ёнма-ён ижод қилиб келамиз. Унинг Кармана тарихи, урф-одат ва анъаналари ҳақида ҳикоя қилувчи қатор асарлари китобхоналар қалбидан аллақачон жой олиб улгурган. Бугунги кун ёшлари тарихни, ота-боболар ўтмиши ва кечмишини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ёзувчи дўстимизнинг навбатдаги асари ҳам кенг китобхоналар оммасига манзур бўлади, деган умиддаман, — деди навоийлик ижодкор Камол Йўлдошев.

Тақдирот якунида муаллифнинг "Ҳаёт манзиллари" китоби кутубхона фондида ҳамда тадбир иштирокчиларига тақдим этилди.



172 ТА ЛОЙИҲА ҒОЛИБ БЎЛДИ

Термиз шаҳридаги Матбуот уйида Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондидан Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлими томонидан Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида брифинг ўтказилди. Унда кенг жамоатчилик вакиллари, ННТлар ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Президентимизнинг 2024 йил 26 августда қабул қилинган "Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан бугунги кунда жамиятимизда фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти янада ошиб бормоқда. Жумладан, Сурхондарё вилоятида ҳам ННТлар томонидан турли жаҳаларда олиб борилаётган кенг қўламли лойиҳалар сабаб аҳоли турмуш даражаси яхшиланиб, ҳудудларда турли ижтимоий-иқтисодий муаммолар ўз ечимини топмоқда. ННТларнинг ўрни тобора ошиб боришида, албатта, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан эълон қилинаётган лойиҳалар кўлами кенгайиб бораётганининг ҳам ҳиссаси бор.

— Утган давр мобайнида Жамоат фонди томонидан 14 та грант лойиҳасига 521 та, унинг вилоят ҳудудий бўлими томонидан эълон қилинган 14 та грант лойиҳасига эса 329 та ҳужжат келиб тушган. 166 та йўналиш бўйича ушбу аризачилар орасидан 172 та лойиҳа ғолиб бўлди, — деди



ҳудудий бўлима бошлиғи Нуриддин Жумаев.

Шунингдек, брифинг давомида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими раиси в.б. Чори Парда ўғли, "Юксалиш" ҳаракати вилоят бўлими раҳбари Гулмира Амировалар мавзу доирасидан келиб чиқиб, олиб борилаётган кенг қўламли ишлар самараси ва натижалари, грант лойиҳаларини ёзишда дуч келинаётган айрим муаммоларни бартафат этишда қай жиҳатларга эътибор қаратиш кераклигини билдиришиб, уни кенг жамоатчиликка etkazishi зарурлигини таъкидладилар.

Тадбирда грант танловларида иштирок этиш ва тажриба ўрганиш борасидаги саволларга мутахассислар атрофлича жавоб беришди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати.

ҲА-ЁТ

МАНЗИЛГА КЕЧИККАН ХАММАР

24 ЙИЛ ЎТГАЧ...

Асли Қамашининг Дўстберди қишлоғида тугилиб, Ғафур Ғулумдек атоқли адиб очерки қаҳрамонига айланган оддий чўпон йигитнинг орадан йиллар ўтиб эл орасида Нодир командир дея ном қозониши ўтган асрнинг 30-йиллари ўрталарида катта воқеа бўлган, албатта...

Аммо, минг афсуски, оддий халқ орасидан чиққан мард ва ҳалол бу инсон ҳам 1937 йилда машъум қатағон шомолига дучор бўлди. У Файзулла Ҳўжаев ва Акмал Икромовларнинг издоши деб, Қарши шаҳридаги турмага ташланди ва мислсиз қийноқлар исқанжасида жон берди.

Гарчи Нодир Пардаев ишида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли, 1938 йилдаёқ оқланган бўлса-да, унинг айбисизлиги ҳақидаги хат орадан нақ 24 йил ўтиб, яъни 1962 йилнинг 11 декабрида унинг оиласига етиб келган...

Ҳа, бир варақ жонсиз қоғоздаги хабар энг аввало унинг мушфиқ аёли ва ота дийдорига тўймаган ўғил ва қизлари юрагидаги дардга малҳам бўлолмасди, албатта.

Нетонгли, бу шўролар салтанатининг инсон тақдирига нисбатан бефарқлиги ва эҳсонлиги деб ўзимизни овутамыз, кўнглимизга таскин берамиз...

ҚИЛМАГАН АЙБИ УЧУН...

Яқинда интернет тармоғида чиққан бир хабар, ростки, ҳафсаламни пир қилди. Вилоятлардан биридаги савдо дўконига ўғрилликда тушишда айбланган йигит уч йилга озодликдан маҳрум қилинади. Орадан бир қанча вақт ўтгач, маҳбуснинг айбисизлиги исботланиб, у оқланади. Лекин унинг оқланганлиги, айбисиз



эканлиги ҳақидаги хат на оиласига, на унинг ўзига юборилган. Оқибатда айбисиз айбдор бўлган йигит яна 207 кун, яъни саккиз ой қамоқхонада сақланган ва ишда йўл қўйган бефарқлиги учун икки-уч масъулларга ҳайфсан берилганлиги баён этилган...

Инсон тақдирига нисбатан бундай бефарқлик кўнглингизда қандай иштибоҳ, ғалаён уйғотди? Шу беғуноҳ маҳкумнинг ўрнида мен ёки сиз, ёхуд фарзандларимиз, яқинларимиз

бўлса, нима қилардик?.. Улғу шоир Абдулла Орипов бекорга: "Инсон қалби билан ҳазиллашманг сиз" — дея ёзмаган эди...

ХОРИЖДАН КЕЛГАН МАКТУБ

Пирмамат Чориев ҳарбий хизматдан уйига қайтишига бир неча ой қолганида Иккинчи жа-

ҳон уруши бошланиб қолади. Қақшатқич жангларнинг бирида оғир ярдор бўлиб, асирга тушади. Маҳбуслиқда не-не азоб-уқубатларни бошидан ўтказди. Уруш тугагач Пирмамат ака тақдир тақозоси билан Туркияда кўним топди. Раҳмдил кишилар кўмағида ўзига яраша иш топди, уйланди. Қизли, ўғилли бўлди. Бироқ барибир юрт соғинчи уни тинч қўймади. У киндик қони томган элига мактуб ёзди.

Конвертга эса: "Ўзбекистон давлати, Бухоро вилояти, Чирочқи тумани, Қоратепа овули, Санчиқул қишлоғи, Чори Берди ўғлига" деб ёзилган эди. Хат эгасини топгунча нақ олти ой Қамаш ва Чирочқидаги қанча қишлоқларга бориб қайтди. Ҳатто Санчиқул қишлоғи почтасига ҳам уч бора келиб кетди. Ҳеч ким бу ажнабий алифбода битилган хатга эътибор қаратмади (хат лотин алифбосида ёзилган эди). Ниҳоят, кунларнинг бирида Чимқўрғон қишлоғига борган уруш қатнашчиси Нурмамат Қурбоновнинг қўлига хат тушди-ю, у конвертдаги манзилни ўқиб, қийқириб юборди.

— Ахир бу Чориев Сурманнинг акаси Пирмамат акадан-ку! Бечора урушда дом-дараксиз кетганди.

Охири хат эгасини топди. Пирмамат аканинг отаси аллақачон оламдан ўтган бўлса-да, бироқ унинг икки укаси ва синглилари бор эди.

1975 йилнинг ёзида Пирмамат ака қизи Ясамин билан Ўзбекистонга келди.

У 36 йилдан сўнг она заминига қадам босди.

ҚАРШИ БИЛАН БЕШКЕНТ ОРАСИ...

Кунларнинг бирида ижодкор укамиз қизик бир воқеани сўзлаб берди.

БИЗДА ҲАМ...

Дунёнинг энг коррупциядан холи давлатларидан бири ҳисобланган Сингапурда хизмат вазиқасини ўташ жараёнида қўпол хатоларга йўл қўйган давлат хизматчилари ва хатто полициячи, терговчи, прокурор ва судьялар ишдан бўшатилиши билан бирга пенсия олиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилинар экан.

Балки бизда ҳам... Зиммасидаги ишга совуққонлик билан қараш, бефарқлик каби салбий ҳолатлар қанчалик қамайса, жамиятимизда қонун ус-туворлиги янада ошган бўларди, албатта.

Ўрөлбой ҚОБИЛ

УМР ИБРАТИ

ҚУТЛУҒ ҚЎЛ

ёки меҳнатдан саодат топган янгиқўрғонлик Ҳошимхон НАЖМИДДИНОВНИ ёд этиб

Наманган аҳли ичида дўстларига оқибатли, касбига муҳаббатли, устозларига садоқатли, шогирдларига меҳрибон, берган кунига шукур қиладиган ва яна энг муҳими, ота-оналарнинг хизматларини қилиб, дуоларини олган қадрдонларим кўп. Ана шундай фазилатли инсонлардан бири Икромхон ака Нажмиддиновдир. “Ҳаёт устозимсиз”, — деб ўзларига ҳам айтиб юраман. Кейинги йилларда Наманган диёрига борсам, албатта, хузурга кириб, дуо олишга одатланганман. Гоҳ-гоҳида узоқроқ суҳбатлашиб ҳам қоламиз.



Ҳошимхон Нажмиддинов оила аъзолари билан (1958 йил).

Табиатим шундай, ота-онасини тез-тез эслайдиган, улар ҳақида ибратли ҳикоялар гапириб юрадиган инсонларга талпинавераман. Кўзи тирикчилигида хизматларини қилиб, ота-онасининг дуосини олган кишилар ҳақида ёзсам, роҳатланаман, хайрли иш қилдим деб қувонаман. Икромхон ака туман, вилоят ҳокими, вазир ва бошқа юқори идораларда масъулиятли лавозимларда ишлаганида ҳам, бугун Республика “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси бўлса ҳам ҳечам ўзгармади. Икромхон ака қандайдан тангани фарзанди экан-а, дея қўнғимдан ўтказиб юрардим. Шубҳам йўқ эди, элу юртимизга, Ватанимизга, Президентимизга сидқи ихлолда илғор бўлган Икромхон ака улғу инсонлар зурриёти экани ҳақида тафаккур қилардим.

Яхши ниятли инсонларни Аллоҳнинг ўзи бир-бирига дилкаш қилиб кўра экан. Утган ҳафта яна Наманганга йўлим тушди. Йўқлаб кирсам, қалингина альбомни varaқлаб ўтирган экан. Унга сарғайиб кетган газеталарда босилган мақолалар ёпиштирилган экан. — Отам раҳматли ўзи ҳақида чиққан мақолаларни шундай асраб юрарди, — деб у менга альбомни узатди.

Альбомда эллик-олтмиш йил илгари чиққан мақолалар ҳам бор экан. Журналист касби нонини еб юрган ижодкор сифатида ёзган мақолаларини қаҳрамонларим шундай авайлаб-асрашини кўз ўнгимга келтириб, хурсанд бўлиб кетдим.

Икромхон ака, отангиз ҳақида ҳар қанча ёзса арзийдиган инсон экан, — дедим. Аллоҳ кўнғимга солибди-да, ҳам-суҳбатим ҳам хурсандчилигини яшира олмайди.

— Ҳаёт бўлганида, Ҳошимхон отам раҳматли шу ойнанинг охирида юз ёшга кирар эди. Шу сабабдан эсдаликларини ўқиб, расмларини томоша қилиб ўтиргандим...

— Доим ота-онангиз ҳақида эҳсон қилиб юрадиган киши эканингизни яхши биламан. Утганларни, айниқса, ота-онани тирикчилигида хизматда бўлиш, дуосини олиш, утганларидан сўнг доимо эслаш, хотирлаб туриш, ҳақларига дуо қилиш қобил фарзандлар учун вожиб амалдир. Бу табаррук қондаларни Икромхон ака ва у кишининг яқинлари жуда яхши билишади, албатта.

— Шу кунларда азиз ота-онанимизни ёд этиб, уларни яхши биладиган дўсту биродарларни тақлиф қилишни ўйлаб ўтирган эдим. Яхши бўлди келганингиз, сиз ҳам хонадонимизга албатта, келинг. Ҳақларига дуо қилиб, ёд этсак, руҳлари шод бўлар эди, — деди Икромхон Нажмиддинов.

...Ун тўртинчи июль. Душанба. Кунларнинг хайрлиси. Янгиқўрғоннинг Исковот қишлоғи “Бунёдор” маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги Улуғ чинор кўчаси. Пештоқига зарҳал харфлар билан “Бу хонадонда I даражали “Меҳнат фахрийси” Икромхон Нажмиддинов истиқомат қилади” деб ёзилган дарвозадан ичкарига кирдик. Ҳовлидаги турли хил мевали, манзарали дарахтлар, гулларнинг алвон рангларидан баҳра оласан киши. Бу қишлоқнинг ҳавоси Наманган шаҳриникига нисбатан салқинроқ ва муссафороқ экан. Ёзининг қиласида пойтахтнинг дим, иссиқ ва чанг ҳавосидан безиб юрганинда, бундай жойга келишининг ўзи бир неъмат бўлди.

Икромхон ака, келаверинглар, деб ҳовли этагидаги соябонли айвонга тақлиф қилди. Утган ота-онасини эслаб эҳсон дастурхони ёзибди. Сўрида ўтирган ўттиз беш ёшлар чамасидаги қори домла Исковот жоме масжиди имоми Низомиддин Убайдуллаев экан. У: “Шома яқин қолди, мен чиқай”, деб бир қалима Қуръон оятларидан тиловат қилди. Ҳа, утганлар руҳини дуолар билан шод этиш тирикларга ҳада берган билан баробардир. Шом кириб, қоронги туша бошлагач, бир-бирига навбат бермай сайраётган

оч бўлади, дуо қилсанг, кетади”, деб айтган экан.

Онадан ҳам, отадан ҳам бевақт етим қолган икки ўқаси, бир синглиси Ҳошимхон ота қарамоғида қолади. Худо раҳмат қилсин, ҳўжалик бригада бошлиғи Йўлдошали Қирғизбоев оталарча меҳрибонлик кўрсатади. Бригадасига табелчи қилиб олиб, ҳисоб-китоб ишларини ўргатади. Орадан бир-икки йил ўтиб, устози Йўлдошали бригадирнинг тавсияси билан Канда-булоқдаги режалари бажарилмайдиган оғир бригадага бошлиқ бўлади. Ҳошимхон Нажмиддиновнинг қўли кўтлуғ, қадами хосиятли келиб, бир йилдаёқ пахта ҳосилдорлиги икки бараварга ошади.

Шундай қилиб салкам эллик йил давомида энг оғир бригадаларни бошқариб, хайрон қоладиган мўъжизавий натижаларга эришади. Ерга жон билан қувват киритишга қодир бўлган афсонавий бригадирга айланади. Қўсини ўша даврнинг орден-медаллари билан безайди.

Пахтачиликнинг шонли тарихида деҳқончилик пирлари бўлган ўнлаб инсонларни биламан. Масалан, Шароф Рашидов ва Ботиралли Ҳасимовнинг оталари ҳам Ҳошимхон Нажмиддинов каби кўтлуғ қўли, оловқалбли бригада бошлиқлари бўлган.

Қадами теккан ер борки, барака ёғиладиган, шундай назарқарда де-



Ҳошимхон отанинг фарзандлари Икромхон ва Тоҳирхон Нажмиддиновлар (2025 йил).

билан у тузалгандан кейин ҳам жанг қилишинингга, хизматда бўлишинингга руҳсат беролмаймиз.

Шу тариқа отамиз урушдан қайтишга мажбур бўлади. Қишлоққа қайтса, қариндош-уруғлар йиғилиб, акаси Эшондаҳон урушда қаҳрамонларча ҳалок бўлгани ҳақидаги қоракатни олишиб: “Бир ўғлимиздан айрилдик, иккинчиси урушдан эсон-омон қайтсин”, дея Аллоҳдан сўраб мушкулқушод қилишаётган экан.

Ақасидан айрилгани дарди кетмай туриб, келганидан уч кун кейин онаси вафот этади. Эртасига бешикдаги синглиси оламдан ўтади. Қайғу ва кулфат бир келди, қатор-қатор келди. Орадан яна уч кун ўтиб, қўмғонда чой қайнатиб ўтирган отаси “Бошим оғирляпти” деб, пешинга бориб, у ҳам жон таслим қилади. Орадан бир неча кун ўтиб, тоғаси ҳам оламдан ўтади. Ун кунда шунча жигаридан айрилади. Икромхон акадан отасининг бошига тушган ўша мусибатлар ҳақида эшитман-у, беихтиёр Абдулла Ориповнинг “Муножотни тинглаб” шеърдаги мисралар ёдимга тушди:

*Эшилб, тўлғаниб ингранади куй,
Асрлар гамини сўйлар муножот,
Куйи шундай бўлса, гаминге ўзига
Қандай чидай олган экан одамзод!*

Яхшиям Котибхон тоғаси бор экан, отамага намоз ўқишни, тиловат қилишни ўргатиб, “Арвоҳларнинг қорни

либ юрсангиз бўлмайми?” деб сўрадим, — дея ёдга олди Икромхон ака. — “Урушда юрганимда Аллоҳга илтижо қилиб, агар урушдан эсон-омон қайтсам, фақат меҳнат қиламан, деб ўзимга ўзим сўз берганман. Бирор марта сўзимдан қайганимни кўрган-мисан, ўғлим? Мен далада ишласам дам оламан”, деди отам раҳматли. Бу саволни кейин яна қайтаришга ботина олмаганман.

Дадамнинг шу гапларини эсласам, кўзимга ёш келаверади. Яратган Эгам унга тинимсиз меҳнат қилиб, одамларга яхшилик қилиб, меҳр-мурувват улашиб, роҳат оладиган қалб ато этган экан, — деди Икромхон ака.

Суҳбат мавзуси айланиб-улгуриб маънавият, китобхонлик мавзусига келиб қолди. Шунда:

— Журналистлардан, ёзувчи-шоирлардан дўстларингиз кўп, иш столингизда доимо газета-журнал, китоб бўлади, — деб Икромхон акадан сўрадим.

— Газетага, китобга меҳр дадамдан ўтган бўлса керак, — деди у. — Республика, вилоят ва район газеталарини ҳар кун ўқирди. Москванинг “Время”, Ўзбекистоннинг “Ахборот” кўрсатувини кўрсатган ухламас эдилар. Зиёли инсон бўлган.

Раҳматли Музаъямхон онам дадамнинг розилиги учун аҳли аёллик вазибаларини беками кўст бажариб ўтди. Қишлоқимиздаги ҳамма маҳаллаларда аёллар онамдан маслаҳат сўрашарди, тўйларни бошқарарди. Тенг-теги билан деган нақлни ҳаётга татбиқ этарди...

Икромхон аканинг оз-моз томоғи оғрибди, шекилли, “сут қайнатиб келинлар”, деб буюрди. “Сиз ҳам ичмасингизми?” деб мендан сўради.

Тақаллуфни қайтариб ўтирмадим. Устоз билан бир қосадан иссиқ сут ичдик. Шунда, эҳ, мана ҳақиқий сут қандай бўлади дедордим ўзим. Биз Тошкентда бир литрини 15-20 мингга сотиб олаётган сут қаерда-ю, хонадондаги чинакам табиий сут қаерда. Нимасини айтмай, биз шаҳарда ичаётган сутнинг фақат ранги сутга ўхшайди, лекин неча бор қайта ишланавериб сувдек бўлиб қолган бўлади-да.

— 1974 йилдан бери хонадонимизда мол, қўй, парранда боқамиз. Бировнинг молининг сутини ичмаймиз. Қатиқ, қаймоқ, сариёғ, туҳум сотиб олмаймиз. Экологик тоза маҳсулот истеъмол қиламиз, — деди хонадон соҳиб.

Шу пайт катта дарвоза рўпарасидаги сўрида ўтирганди, қўринишидан Нажмиддиновларга ўхшаб кетадиган киши кириб келди. Бўлмаса, суҳбатимиз янада чўғ олиб, Икромхон ака билан чорвачилик маҳсулотларининг сифатию, муаммоларига ҳақомат этиши аниқ эди.

— Укам Тоҳир. Келгуси йили етмишга қиради. Умр бўйи газначи бўлиб ишлади.

Янгиқўрғондан ажойиб таассуротлар билан қайтишда Чортоққа — ҳам-касбим, танқилги ёзувчи Рустам Уматовни йўқлаб бордим. Ҳошимхон ота ҳақида хотира ёзаётганимни айтдим.

— Жуда яхши, хайрли иш — деди Рустам ака. — Ҳошимхон отанинг Усмон деган ўғли ҳам бўлган, шу ҳақда ҳам ёзиб кетсангиз, — деди у. — Жуда дастурхони очик, ижод аҳлига меҳри бандан инсон бўлган. Усмонхон ака ўзи яхши кўрадиган нарсаларни бошқаларга ҳам илинадиган киши эди. Бир гал радиодан интервью олиш учун унинг ҳузурига борсам, ҳар бир қаваатига қаймоқ, қўй ёғи билан қийма ёйилган иссиқ қатлама пиширтирган экан. Ушанда Исковот, аввалги “По-беда” ҳўжалигидаги боғда бир тулпадан 2 тонна 800 килограмм ҳосил олинган уйдек келадиган олма дарахтини кўрсатган эди. Ҳалигача эсимда, ҳалим, меҳмондўст, юзидан нур ёғилиб турарди...

Ҳошимхон Нажмиддинов сулопаси ҳақида уйлаб туриб, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг “Қўллар” қасидасидаги қуйидаги мисралар ҳам ёдга тушди. Улуғ шоир Ҳошимхон Нажмиддинов каби кўтлуғ қўли фазилат эгаларини мадҳ этганга ўхшайди:

*Танинда камтарин аъзо
Бу қўллардир, бу қўллардир,
Мудом меҳнат учун пайдо
Бу қўллардир, бу қўллардир.*

*Жаҳонда токи бунёдсен,
Ки номи одамизодсен,
Юракдек тинмаган асло
Бу қўллардир, бу қўллардир.*

Дилмурод ҚИРГИЗБОЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ХОРИЖ

ЯДРО ДАСТУРИ БЎЙИЧА КЕЛИШУВ

Эрон ташқи ишлар вазири Аббос Ароқчи мамлакат Франция, Германия ва Буюк Британия билан ядро дастури бўйича музокараларни қайта бошлашга тайёригини маълум қилди. Унинг айтишича, томонлар учрашув санасини белгилаш устида ишламоқда.



Бу ташаббус Техрон ва Ғарб ўртасидаги кескинликни юмшатиш йўлида муҳим қадам сифатида кўрилмақда. Музокараларнинг қайта тикланиши яқинда Исроил ва АҚШ томонидан Эрондаги ядро объектиларига уюштирилган ҳужумлар ҳамда унга нисбатан санкциялар қайта жорий этилиши ҳақидаги таҳдидлар ортидан илгари сурилмоқда.

Аббос Ароқчи, шунингдек, АҚШ билан ҳам “келишиб олиш”га тайёр эканини билдирган, бироқ бу фақат Техронга қарши ҳарбий ҳужумлар такрорланмаслиги кафолатлангандагина мумкинлигини таъкидлаган.

ЗЕЛЕНСКИЙ ВА ПУТИН УЧРАШАДИМИ?

Украина Президенти Владимир Зеленский Россия билан навбатдаги тинчлик музокараси 24 июль кун Истанбулда ўтказилишини маълум қилган.



“ВВС” хабарига кўра, Украина Хавфсизлик кенгаши котиби Рустем Умеров мулоқотга тайёргарлик кўрмоқда. Кун тартибидан асирлар алмашинуви ва эҳтимоллий Зеленский — Путин учрашуви ўрин олган.

Ушбу қарор Зеленскийнинг дам олиш кунлари билдирган тақлифидан сўнг, Дональд Трамп томонидан Россияга қарши санкция билан таҳдид қилингандан кейин эълон қилинган. Шунингдек, Вашингтон Украинанинг мудофаа имкониятини мустаҳкамлаш учун янги қурол етказиб беришни ҳам ваъда қилган.

РФ борада ҳозирча изоҳ бергани йўқ. Кремль матбуот котиби Дмитрий Песков аввалроқ томонлар позицияси кескин фарқ қилиши, яқин орада муҳим ўзгаришлар бўлмаслигини айтган.

ЭНГ ЙИРИК ГЭС

Хитой мамлакат жануби-ғарбидagi Тибет автоном туманида, Ярлунг-Цанпо дарёси қуйи оқимида умумий сармоси қарийб 1,2 триллион юань (тахминан 167,2 миллиард АҚШ доллари) бўлган гидроэлектростанция қурилишини расман бошлади, дейилган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши сайтида берилган баёнотда.



Лойиҳа беш каскадли ГЭСдан иборат. Ишлаб чиқарилган энергия биринчи навбатда ташқи истеъмол, шунингдек, Тибетнинг ўзда маҳаллий талабни қондириш учун етказиб берилади.

Ҳозир ер юзидаги энг улкан ГЭС ушбу мамлакат марказий қисмидаги Хубей провинциясида, Янцзи дарёсида жойлашган “Санься” (Уч дара) мажмуаси ҳисобланади. 2008 йил октябрда ишга тушган “Санься” 22,4 миллион киловатт қувватга эга.

Маҳаллий матбуот аввалроқ Тибетда бунёд қилиниши режалаштирилаётган янги ГЭСнинг қуввати 60 миллион киловатт ташкил этиши, ишлаб чиқариладиган йиллик энергия 300 миллиард киловатт-соатга етишини ёзган. Демак, янги иншоот “Санься” ГЭСдан қарийб уч баробар юқори қувватга эга бўлади.

39 ЙИЛДАН СЎНГ ОҚЛАНГАН МАҲБУС

39 йил муқаддам мактаб ўқувчисини ўлдирдида айбаниб, турмага ташланган ва жазони ўтаётган япониялик Шожи Маекава иши қайта қўриб чиқилган. Янги тергов натижасида фуқаро оқланди, деб хабар тарқатган ННК телеканали.



У ўтган давр мобайнида ноҳақ қамалгани, иш қайта қўриб чиқилиши зарурлигини таъкидлашдан бир зум ҳам тўхтамаган. Ҳозир маҳбус 60 ёшда.

Тинглов чоғи қотиллик кечаси Шожини қонли кийимда кўрганини айтган гувоҳларнинг кўрсатмаси шубҳа остига олинди. Бундан ташқари тергов аввал кўз юмган янги далилларда ҳам тафовут аниқланган.

Қайд этилишича, якуний ҳукм чиқарган судья Маекавадан кўрган асоҳуқубати учун уэр сўраган, собиқ маҳкумнинг ўзи эса матбуот анжуманида айбисизлигини исботлай олгани учун ўзини енгил ҳис қилганини айтган.

ЖАҲОН ХАРИТАСИДА ЯНГИ ДАВЛАТ

Париж чеккасида Янги Каледония давлатини яратиш бўйича келишув имзоланди, деб ёзмоқда “Politico” нашри.



— Янги Каледония келажagini муҳокама қилаётган бир-бирига қарама-қарши сиёсий ҳаракатлар Францияга қисман қарам бўлган янги давлат тузиш тўғрисида битим имзоланганини эълон қилиши, — дейилган мақолада.

Қайд этилишича, мустақиллик тарафдори бўлган ва бутунлай ажралишга қарши чиққан гуруҳлар муқторият масаласида муросага келган.

Шартнома Янги Каледония учун алоҳида фуқаролик жорий этиш ва халқаро муносабат борасидаги ваколатни янги давлатга ўтказишни назарда тутди.

Ҳужжат Франция парламенти овозга қўйилиб, оролларда референдум ўтказилиши керак.

Интернет маълумотлари асосида Ислон ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

ТАЪЛИМ

ИННОВАЦИЯ ВА
ТАШАББУСЛАР МАСКАНИЎзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде талабаларнинг ташаббуслари
ҳар томонлама қўллаб-қувватланади

Сўнги йилларда юртимизда ёшларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида шаклланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ёшларнинг таълим олиши, касбга эга бўлиши, муваққил фикр юритиши ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

30 июнь — Ёшлар кўни муносабати билан ўтказилган тарихий учрашувда давлат раҳбари томонидан илгари сурилган фикрлар ва ташаббуслар бугунги кун ёшларининг келажагини белгилаб берадиган муҳим дастурга айланди. Президентимиз таъкидлаганидек, “Сизлар — янги тарих яратадиган олтин авлодсиз!” Бу фикр нафақат ифтихор, балки катта масъулият, янги мақсадларга интилиш ҳиссини ҳам уйғотади.

Айни пайтда дунёда энг нуфузли университетлар — “ТОП-10”, “ТОП-100” ва “ТОП-300” рўйхатларида 1500 нафардан зиёд юрдошимиз тахсил олмақда. Улар орасида 30 нафари дунёда энг кучли ўнналикка кирган олий таълим муассасаси талабаси. Бу мамлакатимиздаги таълим ислохотларининг самараси ва ёшларга берилган ишончининг амалий ифодасидир.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳам ушбу улкан жараёнларда фаол иштирок этмоқда. Биз ёшларимизга фақат тил ўргатиш билан чекланмай, уларни замонавий журналистика, ахборот технологиялари, сунъий интеллект, халқаро алоқалар ва лингвистика каби соҳаларда етув мутахассис этиб тайёрлашга интилоқдамиз. Университетимизда “EI-yurt umidi”, “DAAD”, “Erasmus+”, “KOICA”, “Vengiya” стипендиялари ва бошқа халқаро дастурлар орқали юзлаб талабаларимиз хорижда ўқиш имкониятига эга бўлмоқда.

2024-2025 ўқув йилида иқтисодий ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига кенг жалб этиш борасида 100 дан ортиқ йўналишлар қайд этилди. Жумладан, университетимизнинг 2 нафар (ма-



гистр ва бакалавр) талабаси Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига, 5 нафар талабамиз Президент грантига, 1 нафар талаба Ислам Каримов ва 11 талабамиз Навоий номидаги давлат стипендиясига муносиб деб топилди. Шунингдек, 41 нафар талабага Ректор стипендияси, 10 нафарга эса Александр Файнберг махсус стипендияси берилди.

Бу каби эътиборлар университетимиздаги ёшлар таълим, фан, ижтимоий фаоллик ва маънавий етувлик жиҳатидан етарли даражада қўллаб-қувватланаётганини яна бир бор тасдиқлайди. Айниқса, 2025 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти сазовор бўлган 2 нафар талаба — бири маданият ва журналистика, иккинчиси адабиёт-бадиий публицистика йўналиши бўйича юксак эътиборга сазовор бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган қатор дастурлар — “Бир миллион дастурчи”, “Ёшлар бизнеси”, “Келажакка қадам”, “Рақамли авлод қизлари” каби лойиҳалар ёшларга нафақат билим, балки молиявий

ва амалий кўмакни ҳам тақдим этмоқда. Жумладан:

— “ТОП-300” университетларга кираётган ёшларга 20 минг долларгача имтиёзли кредитлар;

— “Ёшлар венчур” жамғармаси орқали 1 миллиард долларлик стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;

— 83 миллиард долларлик янги инвестиция лойиҳалари билан 500 мингга яқин иш ўрни яратиш;

— “Келажак лидерлари” дастури асосида 100 нафар салоҳиятли ёшни тайёрлаш каби имкониятлар уларнинг келажақда ўз ўрнини топишига хизмат қилмоқда.

ЎзДЖТУда талабаларнинг ташаббуслари ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Медиа-студия, IT лабораториялар, илмий конференциялар, маҳоратини намоён етувчи танловлар, дебат ва фан тўғрисидаги оқолиқ ёшлар ўз иқтидорини намоён этиш имконига эга. Талабаларнинг шахсий лойиҳалари ва стартап гоялари учун университет ички грантлар ва резидентура дастурларини амалга оширмоқда.

Талабаларимиз “TalabaFest-2025” фестивалида 8000 нафарлик жамоа билан фаол иштирок этди. Ёшлар мазкур фестивалда сунъий интеллект, фриланс, стартаплар ҳақидаги маҳорат дарслари ва семинарларда қатнашиб, амалий кўникма ва янги билимларга эга бўлди.

Шунингдек, университетда “ҚБЗ” ва “Заковат” жамоалари шаҳар кубоги финалида иккинчи ўринни, “Талабалар театр студияси” эса республика босқичида учинчи ўринни эгаллади.

“Тўмарис издошлари” спорт мусобақасида 100 нафарга яқин талаба-қизлар иштирок этди ва Тошкент шаҳар босқичида иккинчи ўринга лойиқ топилди.

“Ҳаракатда даромад” электрон тизими орқали таътилдаги 3 миллион ёшнинг иш билан бандлиги таъминланмоқда. Бу шунчаки иш эмас — амалий кўникма, маҳоратни ошириш, турли соҳаларда синовдан ўтиш имкониятидир.

Университетимиз спорт жамоаси 2025 йилда “Универсиада” республика финалида 3-ўринни, Тошкент шаҳри бўйича эса 1-ўринни қўлга киритди. Бу натижалар учун университет 176 миллион 477 минг сўмлик спорт инвентарлари билан тақдирланди.

Бундан ташқари, 2025 йилда университетимизнинг талабаси Халдурдиева Огулжарен “Ёш китобхон” танлови республика босқичида 340,3 балл билан ғолиб бўлиб, Президент совғаси — “BYD Chazor” электромобилига эга бўлди.

Бугунги Ўзбекистонда ёшларга қаратилган давлат сиёсати фақат сўзда эмас, аниқ механизм ва самарали амалий қадамлар орқали ўз ифодасини топмоқда. Ёшларнинг иқтисодий, ташаббуси, инновацион гоялари ва билимга чанқоқлиги — мамлакат тараққийининг муҳим стратегик омил сифатида қаралмоқда.

Мана шундай кенг қамровли дастурлардан бири — “Келажакка қадам”. Мазкур ташаббус доирасида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидеги талабаларнинг ташаббуслари жиддий қўллаб-қувватланмоқда. Масалан, битирувчи курс талабаларидан 48 нафари ўз бизнес гоялари билан лойиҳалар тақдим этиш ташаббусини билдирган бўлса, 33 нафар талабанинг аниқ бизнес-режалари шаклланти-

рилди. Ушбу лойиҳалардан 18 таси банк мутахассислари томонидан ижобий баҳолалиб, улардан 13 нафарига 233 миллион сўм миқдорда имтиёзли маблағлар ажратилди.

Бу эса нафақат ёшларнинг тадбиркорлик салоҳиятини намоён этиш, балки уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шахсий бизнесини йўлга қўйишга ундашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

“Келажакка қадам” дастури доирасида ёш-

олиб борилмоқда: битирувчи талабаларнинг 61 фоизи “С1” ёки “В2” даражадаги миллий ва халқаро тил сертификатига эга. Бу кўрсаткич талабаларнинг халқаро меҳнат бозориде ўз ўрнига эга бўлиши учун муҳим пойдевордир.

Сертификат олиш кўникмасини кучайтириш мақсадида танлов фанлари орқали тайёргарлик тизими шакллантирилган, тайёрлов курслари ташкил этилган.

Талабаларни муваффақиятли ишга жой-



лаштириш мақсадида 2025 йил 17 апрелда “Бўш иш ўринлари ярмаркаси” ташкил этилди. Унда етакчи компания ва корхоналар иштирок этгани — талабаларни бозор талабига мувофиқ йўналтиришга қаратилган жиддий қадам бўлди.

Бугунги кунда университетлар фақат таълим берувчи эмас, балки ёшларнинг иқтисодий намоён этиш, уларни тадбиркор, мутахассис, олим ва етакчи сифатида тарбиялашга қаратилган мукамал тизимни шакллантирмоқда. Ёшлар учун яратилаётган имкониятлар экотизими бу — келажак тараққийининг асосий кафолатидир.

Интеллектуал авлод — Янги Ўзбекистоннинг юраги. Шу боис, ҳар бир ёшга ишонч, эътибор ва имконият бериш — қабул қилинган энг тўғри стратегик қарорлардан бири.

Янги Ўзбекистон ёшлари — бу нафақат мустақиллик фарзандлари, балки глобал дунёда миллий юксалтишни таъминлайдиган интеллектуал авлоддир. Биз уларга ишонамиз, улар билан фахрланамиз ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрмиз.

Шу сабабли, таълим муассасалари, оила, жамият, оммавий ахборот воситалари ва давлат органлари яқдилликда иш юритиб, ёшларга ғамхўрлик муҳитини яратиши зарур. Чунки бугун эътибор берилган ҳар бир ёш эртага Ўзбекистон номини юксалтирувчи етакчи, олим, иxtирочи, спортчи ёки дипломат бўлиб вояга етади.

Илҳомжон ТҲҲАТСИНОВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети ректори.



ЖУРНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН

Ўтган асрнинг саксонинчи йили Москвада Ёзги олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди. Катта спорт байрами тайёргарлиги ниҳоятга етай деб қолганида ёшлар газетасининг муҳбири сифатида Москвага отландим. Менга олимпиадачилар шаҳарчасидан туркум репортажлар ёзиш топширилган эди.

Меҳмонхонага жойлашиб, ҳар кун мусобақалар ўтказиладиган спорт иншоотларидан бирини бориб кўраман, ён дафтарида турли рақамларни ёзиб оламан. Кечқурун уларни мақола шаклида қозғога тушираман.

Бир кун ёзганларимни Тошкентга жўнатиш учун такси ёллаб, Домодедово аэропортига бордим. У ерда бирорта ҳамшаҳардан мақолаларни таҳририятга бериб юбормоқчи бўлдим. (Ахир у пайтлар ҳозиргидек интернет имкониятлари қайда дейсиз!)

Эрталабдан майдалаб ёғаётган ёмғир биз йўлга тушишимиз билан жаддалашди. Бу шаҳарда анча йил яшаб, илм билан шуғулланган бир танишим

ТИЛЛА САМОВАР

“Москванинг ёмғири юрак-бағрингни эзиб юборади”, деганида, тўғриси, ҳайрон бўлган эдим. Мана, шу ҳолатга ўзим тушиб турибман. Машина ичиде ўтирсанг ҳам, ёмғир ичинга ёғаётгандай бўлади. Қуёшни кўмсаб зеркиб кетасан, вақт имиллаб ўтади, бунинг устига, иштаҳанг забтига олади.

Ҳайдовчи йигитнинг исми Виталий, Тошкент яқинидаги Янгиобод посёлкасида туғилиб, шу ерда ўрта мактабни тугатгач, ота-онаси билан Москвага кўчиб кетишган экан. У мендан ичачон учушимни сўради. Мен: “Йўқ, учмайман, Тошкентга хат бериб юбормоқчиман”, дедим. Бу гапим унга маъқул келди, шекилли:

— Ҳамшаҳар, шошилмаётган бўлсанг, илтимос, бир жойга бирров келиб чиқмоқчиман, кўрқма, машинани

сенга ишониб қолдираман, ўтириб турасан, тез чиқаман, — деди. Гапимиз қовушиб қолгани учун рози бўла қолдим.

Машина катта йўлдан бурилиб, сершовқин кўприк остидан ўтди, кейин чоғроқ, анчагина қаровсиз йўлга чиқиб, анча юрди. Бир жойда тўхтаб, ҳайдовчи йўл ёқасидаги магазиндан бир нималарни харид қилиб чиқди. Мен унга анграйиброқ қараган эдим, у мийғида кулиб деди:

— Кўрқма, дедим-ку, ҳамшаҳар, онам касалхонага тушиб қолди. Кўраману чиқаман, хатингни Тошкентга албатта жўнатамиз. Қовун жўнатишларини ёзган бўлсанг, охирига қўшиб қўй: менга ҳам битта юборишин, анчадан бери еганим йўқ...

Бу гапдан кейин орамиздаги девор

кўтарилиб, эски қадрдонлардай бўлиб кетди. Катта йўлга чиқишимизга оз қолганида Виталий уф тортгандай бўлди-ю машинани секинлатди. Мен унга ажабланиб қарадим.

— Журналист бўлсанг ҳам, жуда эҳтиёткор экансан сен бола, — деди у. — Менга бундай қараганча, хув тўққиз қаватли бинони кўряпсанми, ўша бинонинг бешинчи қавати қара. Яхшироқ қарагин-а, хув ана, балконида болаларнинг иштончаларини олиб қўйишибди. Худди кўргазма қилаётгандай осишади-я! Кўряпсанми?

Мен Виталий кўли билан кўрсатаётган томонга қарадим, аммо қайси балкони қарашни билмай қолдим. Иштончалар деярли ҳамма балконларда кўзга ташланар эди-да. Виталийнинг ҳижоиси шу ерда бошланди ва Домо-



дедово аэропортига етганимизча давом этди.

— Эҳ, йигирма йилдан бери ҳайдовчилик қиламан. Бу япаски бош нималарга гувоҳ бўлмади, дейсан. Ўғриси ҳам, тўғриси ҳам кўрдим. Министр, депутат, халқ артисти, прокурор, қўйинг-чи, космонавтдан бошқа ҳаммасининг хизматини қилдим. Расул Гамзатов деган шoirни аэропортга олиб чиқиб қўйсам, бир сиқим пул берса бўладими? Ошиққасини қайтармоқчи

бўлганим, ўзи ҳам шoirларнинг зўри экан, “Сен бола мени ким деб ўйлапсан? Сенга шунча пулни қўлингга тутқазадиган бошқа Гамзатов бу дунёда йўқ, билдингми? Чўнтагинга солгин-да, ўйинга равона бўл, келинни бир хурсанд қил бугун”, деб танбех берди. Бунақасини сира учратмаганман.

Битта аёл машинанинг ўзида фарзанд кўрди, доялик қилдим. Биттаси бикинимга пичоқ тираб, бор пулимни шилиб кетди. Муттаҳамлар ҳам учраб туради. Кечқурун ароқ сўрашади. Битта сенга ўхшаган ҳамшаҳарим самолётга кеч қолай деган экан, визиллатиб Домодедовога бориб қўйдим. Эҳ, сўтак, мени мақтаб, ишонамга раҳматнома ёзибди. Нима дебди дегин: “Ҳайдовчининг маҳоратига қойил қолдим, у машинани мингга қўйиб, мени ярим соатга қолдирмай аэропортга етказди, сал бўлмаса, самолётдан қолиб кетардим. У муқофотга муносиб...”

ШЕЪРИЯТ

Фозил ФАРҲОД

Етти иқлимдан келган ижодкорлар билан бир сафда

Мен ўтган бир неча ой давомида Корея Республикасининг Кападо оролида Жежу санъат ва маданият жамғармасининг уч ойлик резиденция дастури бўйича ўзбекистонлик ижодкор сифатида у ерда бўлдим. Оролда адабиёт бўйича корейлик Ан Санг Ҳак, визуал санъат бўйича корейлик Ли Вуман, мультисанъат бўйича корейлик Ким Доёнг, англиялик Вил Болтон, мультисанъат бўйича Бирлашган Араб Амирликларидан Ҳашил Ал Ламки, тўқимачлик ва мультисанъат бўйича япониялик ОҲ Ҳажи ҳам бор эди.

Биз, бир ойдан кўпроқ вақт мобайнида мўъжазгина оролда яшаб, бу ернинг одамларини, табиатини, жонотларини, денгизни кузатдик, ижод қилдик, гурунглашдик, халқларимиз, Ватанларимиз, асарларимиз ҳақида бир-биримизга гапириб бердик.

Мўъжаз ва гўзал оролда қоралаган туркум шеърларимдан эътиборингизга ҳавола қиламан.

МУАЛЛИФ.

САБР БОБО

У туғилди Орол бўйида
Ва улғайди шодон, кўзи тўқ.
Энди яшар Орол ўйида,
Ўқинади, ўша денгиз йўқ.

Улкан уммон йўқолиб қолди,
Шундоққина кўзи ўнгида.
Кута-кута танаси толди,
Сув кўрай дер умри сўнгида.

Ташлаб кетди қишлоқни барча,
Қумлоқдаги якка тут ўзи.
Дили бўлди, эҳ, парча-парча,
Сахрода сув қидирар кўзи.

Тушларида денгиз шовуллар
Ва балиқлар сузиб юради.
Денгиз узра шамол увиллар,
Юрак "Орол!" дея уради.

Дардоши ҳам шу Орол бўлди,
Сирдоши ҳам шу Орол эди.
Бардоши ҳам шу Орол бўлди,
У албатта келади, деди.

Бундай кутиш яна қайда бор?
Бундай сабр дунёда тенгисиз!
Бир шўрликни қилма умидвор,
Қайтгин, Орол! Қайт, она денгиз!

УЧ КУНДИРКИ...

Уч кундирки, денгиз ҳайқирар,
Уч кундирки, недир айтмоқчи.
Балки кучюнга чақирар,
Балки у ҳам уйга қайтмоқчи.

Уч кундирки, келмайди кема,
Уч кундирки, кўчалар бўм-бўш.
Денгиз, йўлим тўсаман дема,
Қоч олдимдан, хой, қочгин, пўш-пўш!

Ўлғизликдан жунжикар танам,
Совуқ юрда қалбим тилинар.
Кимлар учун Ватансан санам,
Иссик ўлкам қадрли биланар.

Орол мени ютаман дейди,
Балки кўраяман ёмон туш.
Қолсам, мени сукунат ейди,
Қўйормасанг, бўлгум озода қуш.

Адирларда ҳайқиргим келар,
Тоғларимга келяпти кетгим.
Соғинч отлиқ хуш насим елар,
Мен албатта Ватанга етгум.

Уч кунлик сас етарми кирга,
Тўполонинг — чақирим овоз.
Қирқ йиллик қалб — мен билан бирга,
Қирқ йилдирки, безовта бу соз.

БУЮК ЮРИШ

Бахт ва бахтсизликнинг ораси, билсанг,
Бир қадам, масофа жуда ҳам камдир.
Бахтсизлик томондан бахт сари жилсанг,
Бу бориш энг олий юриш, қадамдир.

Румий: "Гўзал кунлар сенга келмайди, -
Дейди, — сен уларга боришинг керак".
Наҳот бу ҳикматни кўнчил билмайди?
Йўлда не тўсиқ бор, ёришинг керак!

Биродар, ўқингми, ўрингдан тургин,
Боргин, бахтсизликдан бахтингни ярат.
Ундан тақури сол, сўнг уй ҳам кургин,
Бу бахтсиз дунёга хўп, кўп бахт тарат.

Бахтнинг гул уруғин сочгин, сеп кўпроқ,
Худо ҳам ҳаракат қилганга дўстдир.
Очунда бир сиқим қолмаса тўпроқ,
Қовучингда бахтнинг дарахтин ўстир.

Бу бориш — яшашдан моҳият топиш,
Бу бориш — бировга яхшилиқ қилиш.
Бу бориш — бахтсизлар бозорин ёпиш,
Бу бориш — одамлар қалбини билиш.

Бу қадам — ўзингдан кечиш, жон бериш,
Бу қадам — ўзликини топишинг сеҳри.
Бу қадам — муҳаббат дурларин териш,
Бу қадам — болалар кулгиси, меҳри.

Бу юриш — Ватанга, ҳа, хизмат қилиш,
Бу юриш — халқинга хизматкор бўлиш.

Бу юриш — дунёга байроғинг олиш,
Бу юриш — хотиржам яшаш, тинч ўлиш.

ҚАЙТИШ

Қанча улғимиз ўзга эларда
Қолиб кетган, эвоҳ, аламда жоним!
Буюк ишлари-чи, дoston тилларда,
Нечун сиғирмадик, қайнайди қоним?!

Бугун наҳот қайтар тарих ортига,
Яхшилиқ кутади, халқ руҳи собур?!
Олти аср ўтиб ота юртига
Қайтди Заҳриддин Муҳаммад Бобур!

ЎЛҒИЗЛИК

Кўчма компьютерни келмайди очгим,
Кундалик ёзмадим анчадан бери.
Тиртайган оролдан келяпти қочгим,
Пардай оқ соғинчдан қорайди тери.

Кападо — мўъжаз, ҳамма нарса зўр,
Дунёда ўхшаши топиламс бунинг.
Юрак гапга кирмас, асов отдай ўр,
Ватанга қайтгиси келяпти унинг.

Кимдир ижодкорни ёлғиз қўйинг, дер,
Ишонманг, сафсата, бу гап ўтирик.
Агар яққаланса ич-этнини ер,
У одамлар билан яшаса тирик.

Майли, шу иқрорни англамоқ учун
Ўлғиз қолганимга шукур минг бора!
Шоир шоҳ асарин қораламоқ-чун,
Танҳо яшамоғи эмасдир чора!

У миллатнинг, халқнинг ичида бўлса,
Томири сув ичса Ватандан, элдан.
Ҳаққа талпинса-ю, Ҳақ билан ўлса,
Шунда ёзганлари жой олар дилдан.

Қаҳва ичгим келмас, совида чой ҳам,
Юрак денгиз каби яхлаб кетгандай.
Уй бозордай тўқис, лекин нима кам,
Дўстим, юртга қайтиш вақти етгандай?!

МУМКИН (МАС)

Гавжум пароходда гўё бир ўзим,
Тикиламан кўм-кўк осмон ё сувга.
Диққатим бўлинар, тушади кўзим
"Чекиш мумкин эмас", деган ёзувга.

Тор кемада бирор ким чекмаса-да,
Эҳтиёт шарт керак бундай эслатма.
Гарчи тўрт томонинг денгиз эса-да,
Бизни таъқиб қилар бундай эскартма.

Аэропорт, вокзалу бекатларда ҳам,
Мазкур мумкинмаслар кўпдир ҳар жойда.
Ер юзида "мумкин", деган ёзув кам,
"Мумкинмас", дегани йўқ қўёш, ойда.

Қайғу чексам бунда малол эмасми?
Хаёл сурсам дейман бирорта хатсиз.
Дард чексам, кимлардир "чекма" демасми?
Ғам чексам майлими, дўстим, рухсатсиз?

ҚИЗИМ

ПАРИЗОДГА

Дада қизи, сен худди ўзим,
Пари қизим, паризод қизим.
Сен бахт билан эгиз бўл, кўзим,
Яшайсанки, тугамас изим.

Бахтинг кўрмай мен бўлмайин зим,
Пари қизим, паризод қизим.
Берсин менга Худойим тўзим.
Сен марварид, маржон бир тизим.

Ерда қолмас сен билан сўзим,
Пари қизим, паризод қизим.
Сен қувонсанг, очқидир кўзим,
Сен халқ бизим, сен Ватан бизим.

ҚИЗГАНИШ

Денгизой, соқинсан, айт-чи, бу не ҳол?
Сенинг сочларингни силамас шамол.
Уфқда қизарган лабинг ранги ол,
Сени ўпгим келди, эй соҳибжамол!

Балиқчи бобонинг кўк қайғидан
Қизганиб кетялман, кўркам малагим.
Сени рашк қиламан йўл маёғидан,
Заминга осилган кўм-кўк палагим.

Ухлашингга кимса халал бермасин,
Кемалар келмасин, қушлар учмасин.
Ханё лар ҳам бугун сора термасин,
Белларингни бошқа биров кучмасин.

Ногоҳ деразамни чертади кимдир,
Наҳот дийдор они боряпти кўпиб.
Бу кеча ёнингда қолади ёмғир,
Оҳ, сени тонггача чиқади ўпиб.

БИР ШЕЪР ЁЗСАНГ...

Бир шеър ёзсанг, шундайлар ёзсанг,
Ҳамма ўқиб, ақлдан озса.

Уни ихро этиб хур қизлар,
Тонгга қадар чиқсаиди бўзлаб.



Муаллиф ҳақида:
Фозил ФАРҲОД (Жабборов) – 1985 йили Қумқўрғон туманидаги Бўйрабоб қишлоғида туғилган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Журналистика факультетини тамомлаган. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Аxbорот хизмати бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келяпти.
"Мактуб", "Қўқлам куйи", "Болалик эртаним" сингари китоблари чоп этилган.

Севги шеъри айласин ошиқ,
Ҳар тун уни тингласин маъшуқ.

Куйга солсин ҳофизлар жўшиб,
Сўзларингдан яралсин кўшиқ.

Оталардан фарзандга ўғит,
Қулоғига илсин ҳар йғит.

Ёдласинлар мактаб, боғчада,
Ётмасин хор бўлиб тоқчада.

Алла қилиб оналар айтсин,
Мусофирлар юртига қайтсин.

Кам-кўсти бор ҳар юрак тўлсин,
Сўзинг миллат кўшиғи бўлсин.

БУГУН

Ўтган кунларимни ўйладим узок,
Келажак ҳақда кўп хаёл сурибман.
Билсам, ҳар иккиси энг катта тузоқ,
Бугундан гап кетса, мен жим турибман.

Пайғамбарам ўйлар ҳозирини деб,
Айтганлар ҳаётнинг ҳикматин билган.
Мен қўйганман қанча бугунимни еб,
Улуғлар-чи буни ичдан ҳис қилган.

Кеча ўтиб кетган, келмаган эрта,
Ҳозир муҳим — юрак ҳис ҳақ қилмаган.
Бугун қолаверган эшигим чегра,
Шуни англамаган, ғўрман билмаган.

Бўлди бас, ўтмишни энди тинч кўяй,
Келажак ҳақида эрта ўйлайман.
Мен ҳозирларимнинг исига тўяй,
Бугун яшаб, бугун сизга сўйлайман.

Менга ўтмиш ҳақда сўйламан эрта,
Буюк келажак ҳам эртага фахр.
Лекин мен шу бугун яшашим керак,
Бу дунёда ҳозир, бугун бор ахир.

Энди борларимнинг қадрига етдим,
Борлигим ич-ичдан кетди ёришиб.
Айни лаҳзаларим чароғон етдим,
Рухим Худойимга кетди қоришиб.

МАСТОН МОМО

Мастон момо ҳар кун тонг отмай
Уйғотади мудроқ қишлоқни.
Бозор жўнар ҳали туз тотмай,
Сотиб келар қаймоқ, пишлоқни.

Уйга қайтгач, кунгай томонда
Чувоқлайди ва йўл пойлайди.
Соғинч юки жуда ёмон-да,
Шаҳардаги ўғлин ўйлайди.

Йилда уч-тўрт келса боласи,
Бор қувончи уйга чорлайди.
Севинч бўлар унсиз ноласи,
Кўшдан ҳам кўпроқ порлайди.

Ўғли кетса, яна қоғоғи
Ўхшаб қолар қора булутга.
Сувга тушар қозон-товоғи,
Дардин айтар юз йиллик тутга.

Олиб кетай деса-да ўғли,
У шаҳарни ёқтирмайди ҳеч.
Соғинч ўти тобора қўғли,
Кута-кута йиллар бўлар кеч.

Тут умридай ўтади кунлар,
Мастон момо майиз бўлади.
Кўзин юммас у ҳатто тунлар,
Ўғли келмай қандай ўлади?

Бунда қаро тонлар отади,
Кунчиқардан ўғил келмайди.
Кунботарга она ботади,
Бола эса буни билмайди.

Мастон момо бугун саҳарда
Уйғотмади мудроқ қишлоқни!
Бозоргайм бормас наҳорда,
Сотиб келмас қаймоқ, пишлоқни!

Мастон момом йўл ҳам поймамас,
Бундан мени титроқ босди-да!
Шаҳардаги ўғлин ўйламас
Энди ҳеч ким тутнинг остида!



Муаллиф ҳақида:
Замира РЎЗИЕВА — Андижон шаҳрида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетини тамомлаган.
Шоиранинг "Офтобжамол", "Атиргулга айланаман", "Ҳайратнинг суварати", "Умид боғи", "Сарчашма", "Ташнадил", "Дилчирик", "Рўшнолик" каби ўндан ортик китоблари нашр этилган.
"Шухрат" медалли билан тақдирланган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Замира РЎЗИЕВА

ҲУРЛИК ДЕБ ЧЎҒЛАНИШ БАХТ ДЕГАН ЖОНЛАР

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИГА

Гуноҳингиз — ВАТАН деса ёниб тани,
Зулмат ичра кўнглингиз нур истагани.
Наҳот сўраб "наҳот" деган аламига,
Юрагини тўққан зотсиз қаламига.
Гуноҳингиз — озодлиқнинг тотин тилаб,
Тонгу шомда орзиққанча тамшанган лаб.
Жон қутқарар талвасада ўз дўстингиз
Сизни сотиб кун кўрганин билмасдингиз.
Жон бердингиз, нетонг Ватан ғамини еб,
Мен халқимга душман эмас, дилбандман деб.
Сиз истаган нур ичрадир сизнинг хотир,
Нур илиниб бугун қўёш йиғлаётир.

Илм дунёнинг иззатидур.
Абдулла Авлоний

1.

Тафаккурга тавсиф ушбу ҳикматда,
Губорлардан холи дунё хусни бор.
Ғолиблиқнинг мағзи бор маърифатда,
Тик туғларда Озодлиқнинг исми бор.

Алломалар умрин ёниқ чироғи,
Олам уйин шуълаларга буржади.
Эътирофдир минг йилликлар сабоғи,
Жаҳолатлар бу шуъладан кўржади.

Гумроҳликнинг осмонида учмас қуш,
Тупроғида урчиғайди хоинлик.
Тарих кўрди недан пайдо падаркуш,
Қандай ортар мумин элга золимлик.

Олимлари кўп эл оқил, бардавом,
Босқинчи ёв бу гап мағзин қақибдир.
Туркий тарих бағрин эзган "қатли ом",
Ғофилларга қул ёрлигин тақибдир.

Илм истаган бизнинг жадид боболар,
Ёғий учун кўрқув бўлди энг улкан.
Яшаб турса илмиллар, даҳолар,
Буюк элнинг буқилганин ким кўрган?

Ҳойи ҳавас қули бўлма эй кўнги,
Нафс кўчасин чангини қоқ имондан,
Авлонийлар ҳикматига бўйсунгил,
Гул ҳидлагин илм деган бўстондан.

2.

Гул — дунёнинг хусни, ҳар дарахт — кўрки,
Бу янглиғ ташбеҳлар, таърифлар минг-минг.
Жадид бобом айтган эътироф шулки,
Илмдир — иззати дунёнинг.

Топилдиқ ғазнадур дур тўла уммон,
Кашф этолсанг тоғлар синоат хати.
Сўз кетса эзгулик меҳробни томон,
Илмдир дунёнинг иззати.

Феълу фазилатдан борлик, йўқлик ҳам,
Оқиллик — омонлик, жоҳиллик — зулм,
Тоza тафаккурдан безангай олам,
Иззатидур дунёнинг илм.

Нодонга ноаён юрт ҳимосяси,
Орин уйғотмағай қуллик қисмати.
Одамлилик бўлса ҳаёт ғояси,
Илмдир дунёнинг иззати.

Бедор дилни кутгай жаннатий хилқат,
Гумроҳлик — замонни хунуқлатган кир.
Авлоний кўнглидан тўкилган ҳикмат:
"Дунёнинг иззати — илмдир".

ЭВРИЛИШ

Орзу ичра яшилганиб борган дунё,
Орзу ичра фасп хусни шунча зебо.
Орзу ичра мўъжизавий хазиналар
Чорловимди, оловимди, жадид бобо?

Ҳасратидан чанглар чиққан давр кўрдим,
Босқин кўлдан бошга тушган жабр кўрдим,
Мўмин элда кўрқувли... жим сабр кўрдим.
Тошмиди бу, кўзёшмиди... жадид бобо?

Илмимди, зеҳнимди яшил маъво,
Кунларингиз сочмишимди юрта зиё,
Бугун мендан нима раво, нима раво,
Уйғонишим, уйғотишим... жадид бобо?

Тоza тафаккурга, ҳур тасаввурга,
Имонлар илҳақдир, виждон илҳақдир.
Ошно бўлолганким зиёга, нурга,
Жамланса миллатдир, жамланса халқдир.

Урчиган ёлғонга қарши кўнгилар,
Ҳақиқат йўлида бахши кўнгилар,
Мардлар майдонининг нақши кўнгилар
Жамланса миллатдир, жамланса халқдир.

Тобеликка қарши дод, қалдиқлар,
Зулмат тўфонларин енгган чироқлар,
Ёғийнинг адабин берган Широқлар
Жамланса миллатдир, жамланса халқдир.

Худбиню лоқайдлик захри "мустабид",
Кемиргай ҳар сиққон, тишлагай ҳар ит,
Маърифатсиз ЭРК йўқ деган ҳар
жадид —
Жамланса миллатдир,
жамланса халқдир.

Мен, мен... деган нафсин ўтларга отиб,
Ночорнинг кунига яраб, асқотиб,
Кўйсаким мудраган қавмин уйғотиб —
Жамланса миллатдир,
жамланса халқдир.

Хурлик деб чўғланиш бахт деган жонлар,
Соғиниш, йўқланиш бахт деган жонлар,
Ватанда уйғониш бахт деган жонлар,
Жамланса миллатдир,
жамланса халқдир.

ШУКУХ

ВАТАН ИШҚИ ҚИЛАР ЭЛНИ МУШТАРАК

ҚАСИДА

Ватан учун, миллат учун, халқ учун,
Боболар ҳам курашганлар азалдан.

Она диёр, элу ботирлар мадхи
Жой олгандир ўлан, шеърү гасалдан.

Ўғлонлар мард бўлса юртим тупроғи,
Эзилмагай ёв этиги, нағалдан.

Ватаннинг бир парчасидир уйимиз,
Иборатмас фақат бисот-бағалдан.

Оқтовдайн осмон яйлов адирлар,
Қизгалдоқлар ундиреди шағалдан.

Ипақдайин меҳр чиқар товланиб,
Кетмон тутган қадоқ қўли дағалдан.

Кўкка бўйламоқда Ўзбекистоним
Мустақиллик деган метин тамалдан.

Баҳорнинг бир куни йилни боқар деб,
Меҳнат аҳли қимирлайди Ҳамалдан.

Ўз лафзига содиқлар — юрт бойлиги,
Фарқи йўқдир сўзларининг амалдан.

Қалбимиз бой онажонлар алласи,
Момолардан мерос мақол, маталдан.

Ватан ишқи қилар элни муштарак,
Кутарилар эл биргина йўталдан.

Юртим мадҳин битган Абдулла Ориф,
Муסיқанинг зўри чиққан Муталдан.

Жўровоз халқимнинг қудратли саси,
Атрофга таралар азал-азалдан!

Сурхон қовунидан бахраманд дунё,
Ҳайратда Чортоқда битган асалдан.

Эркин Воҳид битган "Рухлар исёни"
Асло қолишмайди "Зарбулмасал"дан.

Таърифи дунёча юртга қасидам,
Дафтар осмон бўлса, битсам зарҳалдан!

МАФТУНКОР ЎЗБЕКИСТОН

Нью-Йорк шаҳрининг машҳур "Таймс-сквер" майдонида
Ўзбекистон ҳақида видеоролик намойиши йўлга қўйилди.
Мазкур лойиҳа Ўзбекистоннинг Нью-Йорк шаҳридаги Бош
консулхонаси ташаббуси билан мамлакатимизнинг туризм
салоҳиятини халқаро майдонда тарғиб қилиш мақсадида
ташқил этилди.

Дунёнинг энг кўп таширф буюрадиған жойларидан
бири — "Таймс-сквер"даги иккита йирик экранда Ўзбекистонда
қадимий обидалар, тарихий шаҳарларимиз, мамлакатимиз
табиатининг гўзаллиги ва маданий ранг-барангчилигини ўзида
акс эттирган видеолар намойиш этилмоқда.

Интернет хабарларидан.

"Таймс-сквер" бор — "Вақт хиёбони",
Нью-Йорк аталган дунё томида.
Кунда миллион одам кезиб юргувчи
Ажойиб чорраҳа "Замон" номида.
Ўзбегим замони келгани шудир —
Байроғимиз чорлар жами оламни!
Дунё деганим доим бири кам:
Ярми бахтни билмас, ярмиси — гамни.
Мен гарчи саҳроий эл фарзандиман,
Кўриб юрагимда кўпти довуллар:
Ўзбекистон деган гўзал юртимда:
Водий ва воҳалар, кентлар, овуллар.
Тарихнинг бобоси азим Самарқанд,
Бўйлашар Бухоро, Живалар билан.
Бўйнида кўнгирак сочаётир занг —
Ўтиб борар карвон тевалар билан.
Темир шавқатини тиклаган ўлка,
Уфқ ортин кўролган Беруний бобом.
Тарихи мозийга узайган кўлка,
Жадидлар уйғотган сабуҳий сабом.
Темир мақбарасин нилий гўмбазини:
Самодан узилган кўзёш томчисини.
Сир ила Амуни лойлатиб кечган,
Улоқчи қўлида иргай қамчисини.

Тасвирлар барини қилмоқда кўз-кўз,
Бизга дўстлар керак йироқ-яқиндан.
Худойим ҳам ахир ҳазар қилармиш
Ҳазар қилмаслардан ўзга ҳақиндан.
Ўзбегим кўнгидай қўли очик халқ,
Яхши-ёмон кунда кифт тутган қўшни.
Бошда дўпписидан танийди дунё,
Офтобда қорайган мард ялангўшнини.
Таърифи Рустам достон бўлгуси
Танласам ҳам минг бор хасисдек сўзини.
Бу дунё жаннатга монанд буларди,
Сени таниганча таниса ўзини!..

ТУҒ ИЛА ТУҒРО

Мустақиллик насиб этди, етишдик туғ-у туғрога,
Ярашдик бир-биримизга, ки ўхшаб Тоҳир-Зухрога.
Ватан қурбони бўлгандан, Ватан деҳқони бўлган соз:
Меҳр-ла парвариш қилсак, ўрин қолмасди саҳрога.
Герб-у байроққа муносиб чиройли бизда фармонлар,
Назоратни қилиб дастак, етишаск қатъий ижрога.
Эл ичига кириб борсин амалдор қавим ҳар жойда,
Улусга юзма-юз келсин, биқинмай хона-хужрога.
Илмисизлик жаҳолатдир, Ватан обод илм бирла.
Илмга ошино бўлдик, етишаск "Ўқи" — "Иқро!"га.
Ўзбекистон мисоли боги жаннат дарёси Тўлқин,
Ким ўхшар Оби Кавсарга, ҳовуч тупроғи — нуқрога!

ЮРТГА МУҲАББАТ

"Қил мени жондин жудо, қилгунча жондин жудо".
Алишер НАВОЙИЙ

"Мен бўлай жондин жудо, бўлгунча жондин жудо..."
Эркин ВОҲИДОВ

Бўлур баъзан шунингдек ҳол: қолурсан худдики жонсиз,
Тирик бўлиб тирикмас жон, магарким қолди жонсонсиз...
Ки, саҳролар эди тилсиз, то пайдо бўлмайн карвон,
Ўтур карвон, яна саҳро қолур бесас бу карвонсиз.
Бу лощинг парварини кўп олур вақтинги, руҳинг ҳам
Самога йўл олиши айрумас зинаю нарвонсиз.



Муаллиф ҳақида:

Тўлқин ЭШБЕК — 1963 йили Иштихон туманида туғилган. 1985 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистик факультетини тамомлаган. Айни пайтда у ана шу даргоҳда фаолият кўрсатмоқда.

Муаллифнинг "Жигарбандлар", "Шабада эсан кун", "Қишлоқлик бола қиссаси", "Жайдари ҳангома-лар", "Адашган қиз қисмати", "Ҳаёт карвонлари", "Самарқанд фарзанди", "Олимнинг беқиёс олами", "Ўзбекининг ёмони бўлмайди", "Икки аср одами", "Қоррупциясиз ҳаёт завқи", "Генералнинг мангу юлдузи", "Бобурнинг гавҳарлари", "Бухорои шариф зиёси", "Аёл ва Ой", "Жадидлар жавҳари" деб номланган насрий ҳамда шеърый тўпламлари нашр этилган.

Тўлқин Эшбек Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, республика Маънавият ва маърифат маркази "Маърифат" тарғиботчилар жамияти аъзоси. Адабиёт соҳасидаги Усмон Носир мукофоти лауреати (1993), журналистика соҳасида "Олтин қалам" Миллий мукофоти совриндори (2008) бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармониға биноан 2019 йили "Дустлик" ордени билан тақдирланган.

Яратганга эрур бирдек азиз беҳишту уқбоси,
Бу дунё ҳам бўлур бир кам, магарким, боғу зиндонсиз.
Тегирмон дўлига тушмай қачон нонга дўнар буғдой?
Жафо чекмай сира Ҳақ васлига етсам деган сонсиз.
Бир уммон бағрида жўшқин эрур минг битталар Тўлқин,
Яшар юртим менинғисиз, мен яшолмам Ўзбекистонсиз.

ТИЛЛА САМОВАР

6-6. "Мингга қўйиб машина ҳайдайдиган сенмисан ҳали?" дея сал қолди ишдан бўшатиб юборишларига. Икки ой гаражда ремонтчиларга қарашиб, мойга буланиб, зўрга қутулдим. Яна сен ҳам...

Шу ерда уни тўхтатдим.
— Бешинчи қаватдаги уйнинг балконига нега қарашим керак эди?
— Дарвоқе, сен ҳали ҳеч балони тушунмадинг. Қачон шу кўчадан ўтсам, шу балконга кўзим тушди дегунча, мазам қочади. Ўзимни ўзим койиб кетаман. Биласанми, нима бўлган ўзи?

...Ўшанда ҳам ёмғир ҳозиргидай эзиб шивалаётганди. Иккита талба қизни ётоқхонага олиб бориб қўйиб, шу йўлдан бир ўзим қайтаётган эдим, йўл ёқасида турган битта кампиршо қўл кўтариб қолди. Тўхтадим. "Ўғлим, шу ерда тураман, битта эски самоварим бор, ломбардга қўймоқчиман. Бобомдан қолган ёдгорлик, аммо пул керак. Шунга ёрдамлашвор", деди. Хўп деб, кампирни машинага ўтказиб, тўққиз қаватли бинонинг тагига бордик. Бешинчи қаватда турар экан, ҳаётдан нолиб, бир нималарни тинимсиз гапирди. Уйга кирдик. Самоварни кўтариб қўриб, "ух" девордим-да. Кўриниши жуда чиройли, аммо зил-замбил. Ичига темир-терсак солиб қўйишганим, дейсан. Бир амаллаб ташқарига олиб чиқдик. Машинани юргизганимда, кампиршо таклиф қилиб қолди:

— Ўғлим, қўриб турибсан, ноёб нарса. Йигирма беш сўм бериб, ўзингга олақолсанг-чи?
— Э, кампиршо, нималар деяпсиз ўзи, йигирма беш сўм эмиш, алмисокдан қолган нарсаларга қизиқмайман, — дебман мен каллаварам.

Хуллас, ломбардга етиб келдик. Ўзи ҳам шум кампир экан, самоварни кўтариб ичкарига олиб кириб берсам:
— Ўғлим, сен кўчада кутиб тур, мен бунини топшириб, пулини оламану чиқаман, бирийўла уйимга обориб қўясан, — деб қолди. Ёнида бир сўм ҳам пули йўқ экан-да. Ноилж кўчада кутиб турдим. Ўн минут,



йигирма минут, ярим соат ўтди ҳамки, кампир чиқмади. Кетворай десам, йўл ҳақини олманман. Яна бироз кутдим-да, ичкарига кирдим. Кампир йўқ. Аммо ҳамма безовта. Ходимлардан бири милицияга, иккинчиси "Тез ёрдам"га қўнғироқ қилишмоқда. Кўринишидан орган ходимларини эслатувчи икки киши атрофга олазарак қараб туришибди.

Мен содаси тушмагур, шулардан кампирни сўрабман. "Битта кампиршони олиб келувдим, самоварини топширмоқчи эди", дейишимни биламан, қўлимни орқага қайтариб, битта хонага олиб кириб кетишди. Ичкарида кампир худшдан кетиб, диванда қўзилиб ётибди, иккита аёл, бири қўйиб, иккинчиси тепасида елпиб туришибди.

— Нима гап ўзи, тинчликми? — ҳайрон бўлиб сўрадим нотиниш одамлардан. Улардан бири менга истеҳзоли қараб:
— Нима бўлганини бизга сен тушунтириб берасан, ўртоқ ҳайдовчи, — дейди.

Бу гапни эшитиб, баданимдан совуқ тер чиқиб кетди.
Гапнинг қисқаси, кампирнинг самоварини қабул қилиш учун текшириб қўришса, таркибида 23 килограмм 260 грамм соф тилла бор экан! Эшитясанми, ҳамюрт, 23 кило-

грамм 260 грамм!
Мени аввалига роса ижикилаб сўроқ қилишди, тушунтириш хати ёздириб олишди. Кейин алоҳида тилхат ҳам ёздим: "Ҳеч қанақа кампирни, ҳеч қанақа самоварини кўриганим йўқ, умуман, бу кўчалардан ўтмадим, ломбард қаердалигини билмайман ҳам".

Билсанг, бу билан ҳам қутулмадим. Ҳар ойда қандаш бир марта ишхонамга келишди, бирор кишига гуллаб қўйган-қўймаганимни сўрашди.
Мана шунақа гаплар, оғайни. Қачон шу кўчага йўлим тушса, бешинчи қаватга қарайман-у, ўзимга ўзим: "Эҳ, каллаварам", деб қўяман...

Виталийнинг ҳикоясига қизиқиб кетиб, аэропортга етиб келганимизни ҳам сезмай қолдим.

— Биродар, агар кутиб турсанг, хатни бирортасига бераман-у қайтиб чиқаман, меҳмонхонага ташлаб қўясанг, битта қўлинг ўргилсин қовуним бор, сенга совға қиламан, — дедим.
Ҳайдовчи рози бўлди. Аммо мен ичкарида бироз ҳаяллаб қолдим. Ташқарига чиқсам, у аллақачон кетиб бўлган экан...

Ахмаджон МЕЛИБОВЕВ

МУШТАРИЙ ТИЛАГИ

Ассалому алайкум, азиз "Hurriyat" газетаси жамоаси!
Сизларга саломларимни йўллайман ва қаламингизда битган ҳар бир сатр учун чуқур миннатдорлик билдираман. "Hurriyat" — бу нафақат бир нашр, балки халқ билан юракдан мулоқот қиладиган, ҳақиқатни аён қилиб, ижтимоий-маънавий онани юксалтиришга хизмат қилувчи ззау минбардир.
Сизнинг ахборотга бўлган масъулиятингиз, сўзга бўлган эҳтиромингиз ва адолатни ёритишдаги жасуриликларингиз зътиборга лойиқ. Давр талабларига мос, замонавий ва бир вақтнинг ўзида миллий қадриятларимизни ҳам унут-

майдиган материалларингиз юракларга етиб бормоқда.
"Hurriyat" — бу эркин фикр, теран таҳлил ва халқ дардини эл ичда эшити олиш қобилиятининг синонимидир. Бу нафақат газета, балки қалбларга нур сочувчи маърифат шамчироғи, ҳақиқий ижтимоий кўзғудир.
Сизни Яратувчи асрасин! Қаламингиз ҳеч қачон синмасин, сатрларингиз халқ манфаати учун ёзилган соф сўзлар билан безансин! Янада катта муваффақиятлар, кенга аудитория ва чуқур эътибор сизларга доимо йўлдош бўлсин. Қўйида маънавиятга оид мулоҳазаларимни тақдим этаман.

Илҳом ШЕР

МАЪНАВИЯТНИ ХОЛИСОНА ТАРҒИБ ҚИЛИШ — УЛУҒ ИШ

Инсон қалбини маънавият нурусиз тасаввур этиб бўлмайди. У ҳаётимизни маъно билан тўлдирди, одамни одам қиладиган энг олий фазилатдир. Маънавият — бу нафақат билим ва ахлоқ, балки қалбнинг масъулияти, виждоннинг уйғоқлиги, инсоннинг бутун борлиги билан яхшиликка интилиши демакдир.



Маънавиятнинг тарғиб қилиши эса — ҳажга боргандек муқаддас, савобли ва юксак бир амалдир. Негаки, ҳаж — қалб поклиги, ният софлиги, руҳий камолотни англатса, холисона маънавий тарғиб ҳам ана шу йўлдаги сафардир. Ҳажда инсон Каъба атрофини тавоф қилса, маънавият сафарига у Аллоҳ ато этган ўз қалби салоҳиятини намоян этади. Ҳажда инсон гуноҳлардан покланишни ният қилса, маънавият тарғиботчиси жамиятнинг маънавий ифлосликлардан тозаланиш мақсад қилади.

Шунинг учун ҳам ҳақиқий маънавиятнинг тарғиб қилган инсон ўзгаларга ибрат бўлади. Чунки унинг ҳар бир сўзида ҳаёт мазмуни, ҳар бир қилган ишида эзгулик завқи мужжасам. У нафақат гўзал нутқ қилиб, балки шахсий намуна орқали қўллаб қўлларни гафлат уйқусидан уйғотади. Маънавий сафо касб этган қалбларда нафратга ўрин қолмайди, зўравонликка, ёлгонга, бузғунчи ёт гоъларга қарши ҳақиқат байроғи фланг кўтарилади.

Бугунги кунда маънавий тарғибот нафақат имомхатиблар, муаллимлар ёки зиёлилар зиммасида, балки ҳар бир онгли инсон тарғиботчидир. У фарзандига берган тарбияси, қўшнисига айтган ширин сўзи, ижтимоий тармоқда ёзган бир самимий гапи орқали маънавият элчисига айланиши мумкин. Ҳар бир ширин сўз — бир уруғ; у қалбларга тушиб, ажиб гулларга айланади.

Шу боис маънавиятнинг тарғиб қилиши ҳеч қачон оддий иш бўлиб қолмайди. Бу корга ажру савоб бисёр, қолаверса, бу — нафсга қарши кураш, бефарқликка қарши чиқиш, муҳаббат ва садоқат билан қуролланиб, маърифат шамини ёқиб демакдир. Бу йўлда

тинимсиз интилиш, сабр ва пок ният талаб этилади. Ана шу сабабдан ҳам бу улўғ амал ҳаж сафарига тенглашади.

Хулоса қилиб айтганда, маънавиятнинг тарғиб қилиши — Ҳақ йўлидаги энг улўғ солиҳ сафарлардан биридир. Эро, у қалбларни турли гуворлардан тозалайди, жамиятнинг илгор гоълар асосида муттасил юксалтиради ва инсониятнинг тамаддун эришган барча ҳаёт ҳақиқатларига яқинлаштиради. Шу боисдан бу ишни ҳаётимиз мазмунига айлантириш — ҳар биримиз учун шарафли бурч, қутли вазифа бўлмоғи керак.

Юртимиздаги ҳар бир мактаб, таълим даргоҳлари, маънавият ва маърифат соҳасига дахлдор ташкилот ва идоралар, шу жумладан, тахрирлар, театр ва кино, маданият ва санъат доиралари, бари барчасининг иш фаолияти бир кунда кўринмас, дарров натижасини буй кўрсатмас, лекин уларсиз ҳаёт, эртанги кун, келажак йўқ.

Айтмоқчиманки, ушбу йўлда фаолият учун нимаки керак бўлса, барини қилиш керак. Бежиз Президентимиз китобхонликка эътиборни кучайтиришдан бошламадилар ишни.

Фақат бу ҳақиқатни ҳамма англаб етиши, ўз ҳиссасини қўшмоғи керак деб ўйлайман.

Илҳом ШЕР

Hurriyat

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Маърузимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Адади: 4 392
Буюртма — Г-744

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нарҳда

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 23⁵⁰



Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташқилотлар
учун — 233

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёлғоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: И.Асилбеков, Мусафҳиҳ: З.Ҳасанова.

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.